

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПИРНИЯЗОВА АЛИМА КУДИЯРОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ
СТИЛИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2020

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора филологических наук
(DSc)**

Contents of dissertation abstract of doctor on philological sciences (DSc)

Пирниязова Алима Кудияровна Корақалпоқ тили фразеологик системаси ва унинг стилистик имкониятлари	5
Пирниязова Алима Кудияровна Фразеологическая система каракалпакского языка и её стилистические возможности	35
Pirniyazova Alima Kudiyarovna Phraseological system and its stylistic scope in the Karakalpak language	67
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	72

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ПИРНИЯЗОВА АЛИМА КУДИЯРОВНА

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИ ФРАЗЕОЛОГИК СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ
СТИЛИСТИК ИМКОНИАТЛАРИ**

10.00.03 – Қорақалпоқ тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус - 2020

Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/Fil154 рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.karsu.uz/ ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
филология фанлари доктори, профессор,

Расмий оппонентлар: Дусимов Зариббой
филология фанлари доктори, профессор

Ескеева Мағрипа Қайнарбай қизи
филология фанлари доктори, профессор (Астана)

Содиқов Қосимжон Позилович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. Fil. 20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 17 » « август » соат 9⁴⁵ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./ факс: (99861) 233-59-25; e-mail: karsu_imfo@edu.uz.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (7 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1-уй. Тел./ факс: (99861) 233-59-25.

Диссертация автореферати 2020 йил « 3 » « август » куни тарқатилди.
(2020 йил « 3 » « август » даги 23 рақамли реестр баённомаси).



К.Алламбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.в.б., филол. ф.д., профессор

Г.Е.Карлыбаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д. (DSc)

М.С.Қудайбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фразеология соҳасининг мунозарали масалаларини тизимли ўрганиш бўйича кенг миқёсда тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, фразеологизмлар семантикаси, ҳажми ва чегарасидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг семантик-структурал хусусиятларини аниқлаш йўналишида салмоқли тадқиқот ишлари бажарилган. Таъкидлаш жоизки, фразеологизмларни фақат лисоний нуқтаи назардан ўрганиш унинг табиатини тўлиқ очиб бермайди, чунки бунда миллатнинг ўзига хослиги, халқнинг ҳаёт тажрибаси, ижтимоий шахсларнинг ўзаро муносабати, маънавий, моддий маданий бойлиги ва бошқа экстралингвистик ҳодисалар таъсири эътибордан четда қолади. Лисоний бирликларни экстралингвистик омилларга боғлиқ ҳолда ўрганиш ҳозирги тилшуносликда алоҳида йўналиш касб этган ва фразеологизмларни мазкур аспектда ўрганиш янги илмий-назарий хулосаларга келишга имкон беради.

Дунё тилшунослигида фразеологик тизимни ўрганишнинг ҳозирги босқичида прагматик, дискурсив, номинативлик, кумулятивлик, когнитивлик вазифаларига, матндаги қўлланилиш усулларига боғлиқ ҳолда фразеология масалаларини ўрганиш муаммолари кун тартибига қўйилмоқда. Тилнинг ички қурилишини ўрганиш билан чекланмасдан, нутқнинг коммуникатив жиҳатига эътибор кучаймоқда. Чунки ҳар қандай фан ўз объектини инсон омили, унинг эҳтиёжлари талаби билан боғлаб ўргангандагина замонавий тараққиётга, инсон манфаатларига мувофиқ келиши умумэътироф этилган. Маълумки, фразеологизмлар бевосита услубият билан боғлиқ бўлиб, қўлланилиш жараёнида ўз ички маъносига боғлиқ ҳолда услубий ранг-баранглигини ўзгартириб туради. Улар сўз санъаткорлари ижодида маънан тараққий этиб, услубий бўёқ касб этади ва бу сўз санъати, нутқ маданияти, маҳорат масалалари билан боғлиқ. Фразеологизмлар нутқда образли, эмоционал-экспрессив восита сифатида қўлланилгани боис, уларнинг услубий хусусиятларини ўрганиш нафақат семантика ва услубият, балки фразеологиянинг умумий масалаларини ҳал қилишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай тадқиқот энди шаклланаётган фразеологик услубият соҳаси тараққиётида ҳам катта рол ўйнайди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши билан миллий маънавиятимиз, тилимизни юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқнинг моддий ва маънавий маданияти, фольклори ва урф-одатларини сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш, тарғибот-ташвиқот қилиш учун кенг имкониятлар яратилди. Жумладан, «миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, улуғ кадрият... миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдевори»¹ ҳисобланган она тилимизни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019 йил, 22 октябрь. - № 218 (7448). – Б. 1-2.

Туркий тиллар, хусусан, қорақалпоқ тилининг фразеологик тизими энг бой ва қадимий лексик қатламлардан биридир. Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологизмларнинг семантик, вазифавий-услубий томонлари лисоний-маданий, антропоцентрик аспектларда ўрганилиши давр тақозасидир. Ваҳоланки, бундай тадқиқотлар лексемаларнинг, сўз бирликларининг, этимология ва имлонинг, бадий услуб, ёзувчи тилининг ва бошқа лисоний ҳодисаларининг нозик қирраларини очиб беришга катта ёрдам беради. Чунки фразеологик тизим тил сатҳларининг барча унсурлари билан алоҳида ва муносабатда яшайди. Шу сабабли ҳам фразеологизмларнинг семантик яхлитлиги, услубий хусусиятлари, лексик таркиби, маъноси, келиб чиқиш манбаси, миллийлиги, лисоний-маданий, когнитив нуқтаи назардан бўёқдорлиги жиҳатидан ўрганиш катта илмий-назарий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сонли «Маънавий-маърифий ишлар натижалелигини ошириш ҳамда соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномалари, 2018 йил 12 январдаги Ф-4789-сонли «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб ўқиш ва китобхонлик маданиятини ошириш ва тарғиб қилишга доир комиссия тузиш тўғрисида»ги Фармойиши, 2017 йил 18 февралдаги ПФ-4958-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-584-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сонли «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қарори ва 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 16 октябрдаги Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши Президиумининг «Давлат тили ҳақида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Низоми қабул қилинганининг 30 йиллигига тайёрлик кўриш ва уни ўтказишни ташкил этиш тадбирларига боғлиқ 584-сонли қарори ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг

I. «Ахборотлашган жамият ва демократик

давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Фразеологизмларнинг семантик, лисоний-маданий, антропоцентрик хусусиятларини ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар дунё тилшунослигида Cambridge University, University of Oxford, Edinburgh University, London Metropolitan University (Буюкбритания), Harvard University, New York University, Yale University, Stanford University, Chicago University (АҚШ), Toronto University (Канада), Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Марибора Университети (Словения), University of Humboldt (Германия); The French National Research Agency (Франция); М.В.Ломоносов номидаги университети (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), Татарстон Казань федерал университети (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), шунингдек, Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон тилшунослигида фразеологизмлар бўйича илмий натижалар олинган: антропоцентристик аспектда одам концептига оид асосланган натижалар асослаб берилган (New York University); фразеологизмлардаги антропоцентрик масалалари ва коммуникацияда қўлланиш бўйича назария ишлаб чиқилган Yale University, Toronto University (Канада), фразеологизмларнинг услубий ва лисоний-маданий ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар негизида илмий натижалар олинган Chicago University (АҚШ), University of Oxford (Англия), жамияттаги фразеологик норма ва нутқ муаммоси ечимлари топилган Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Марибора Университети (Словения), фразеологизмларнинг нутқдаги асосий фактор сифатида услубларда қўлланишига оид концепцияси ишлаб чиқилган М.В.Ломоносов номидаги университети (Россия), Санкт-Петербург университети (Россия), фразеологизмларнинг компонент таҳлили, этимологиясини ўрганиш назарияси ишлаб чиқилган Татарстон Казань федерал университети, Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), фразеологизмларнинг когнитив-прагматик талқини, уларни моделлаштиришга ва фразеографияга доир хусусиятлари ўрганишнинг методикаси ва концепцияси ишлаб чиқилган Ўзбекистон Миллий университети, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА тил, адабиёт ва фольклор илмий-тадқиқот

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [http// www.edu.uz](http://www.edu.uz); britishcouncil.org; internauka.ru; edicationusa.info; philology.ru; rusnauka.com; americanenglish.state.gov; [https://edoc.ub.uni-muenchen.de /13557/1/ Contreras-Pinzon Nydia.pdf](https://edoc.ub.uni-muenchen.de/13557/1/Contreras-Pinzon%20Nydia.pdf); <http://www.academia.edu/Documents/in/Phraseology>, www.uzh.ch/en.htm, www.zora.uzh.ch, www.bu.edu, www.uv.es, www.education.ua/universities, www.kaznu.kz, www.navoiy-uni.uz, <http://www.philology.nsc.ru>; <http://www.ivanovo.ac.ru>; <http://philology.nsc.ru/> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

институти, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да.

Туркий тилларда фразеологизм муаммолари Ш.Раҳматуллаев, С.Кенесбаев, Б.Йўлдошев, А.Э.Маматов, К.Бозорбоев, М.Х.Эхтэмов, Р.А.Юсупов, Р.Р.Жамалетдинов, К.У.Кыдыев, Ж.Осмонова, Н.К.Абдиракматова, Х.Қожақметова, А.Нурмаханов, Г.Смағулова, Ф.А.Оспанова³ ишларида ҳар томонлама тадқиқ этилган. Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологиянинг баъзи масалалари С.Т.Наурузбаева, Ж.Ешбаев, Е.Бердимуратов, Г.Айназарова, Г.Алламбергенова⁴ асарларида сўз қилинади. Қорақалпоқ тилшунослигида фразеологизмларнинг умумий масалалари, фразеологизмларнинг таржима луғатларида берилиш масалалари, мураккаб тузилишга эга икки қисмдан иборат бўлган қурилмалар – тенг боғланишли икки компонентли фразеологизмлар ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Нукус давлат педагогика институтининг Қорақалпоқ тили кафедрасининг «Қорақалпоқ тили ва уни ўқитиш методикаси», «Ҳозирги қорақалпоқ тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларга хос хусусиятларни, семантик, лингвомаданий ва услубий типларини аниқлаш ва фразеологик тизимни тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилидаги фразеологик тизимнинг хусусиятларини аниқлаш;

³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Тошкент: Фан, 1966; Кенесбаев С. К вопросу об экспрессивно-стилистических функциях фразеологизмов // В кн.: Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968; Қожақметова Х. Фразеологизмлардің көркем әдебиетте қолданылуы. – Алматы: Мектеп, 1972; Юсупов Р.А. Лексико-фразеологические средства русского и татарского языка. – Казань: Татар. Кн. Изд-ство, 1980; Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991; Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1998; Нурмаханов А. Түркі фразеологиясы. – Алматы: Ғылым, 1998; Смағулова Г. Мағыналас фразеологизмдердің ұлттық-мәдени аспектілері: Филол. ғыл. ... докт. дис. автореф. – Алматы, 1998; Бозорбоев К. Ўзбек тилида сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2001; Эхтэмов М.Х. Хәзерге башкорт теле. Лексикология, фразеология, лексикография. – Өфө, 2002; Кыдыев К.У. Фразеологизмы в языке Ч.Айтматова. – Каракол: Инновационный центр «Архи», 2002; Жамалетдинов Р.Р. Тел һәм мәдәният: татар лингвокультурологиясе нигезләре. – Казан: Мәгариф, 2006; Оспанова Ф.А. Фразеологизмдер уәждәмәсинің лингвомәдени аспектісі: Филол. ғыл. ... канд. дис. – Алматы, 2006; Осмонова Ж. Кыргыз тилинин фразеологиясы. – Каракол: Б-сыз, 2007; Абдыракматова Н.К. Особенности межъязыковой транспозиции фразеологических единиц исследования лингвокультурологической специфики переводов романа Ч.Айтматова «И дольше века длится день» на немецкий и кыргызский языки: Дис. ... канд. филол. наук. – Бишкек, 2011;

⁴ Наурузбаева С.Т. Типы именных фразеологических единиц каракалпакского языка и их отражения в каракалпакско-русском словаре: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1967; Ешбаев Ж. Қарақалпақ тилинің қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис, 1985; Бердимуратов Е. Ҳәзирги заман карақалпақ тили (Лексикология). – Нөкис: Билим, 1994; Айназарова Г. Симметричные двухкомпонентные фразеологизмы в каракалпакском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Нукус, 2000; Аллаамбергенова Г. И.Юсупов асарларида фразеологизмларнинг услубий қўлланилиши: Филол. фан. фалс. докт. ... (PhD) дис. автореф. – Нукус, 2019.

фразеологизмларнинг ҳажми ва чегарасини белгилаш;
фразеологизмларнинг генетик, лексик, миллийлик хусусиятларига тавсифлар бериш;

фразеологизмларда синонимия, вариантлик, уларнинг белгиларини кўрсатиш;

фразеологизмлар семантикасининг экспрессивлиги, лингвомаданий ва когнитив параметрларини таърифлаш;

қорақалпоқ фразеографияси масаласи ва фразеологизмларнинг луғатларда берилишини ўрганиш, фразеологизмларнинг контекстдаги маъно фарқларини белгилаш; ҳар бир фразеологизмнинг матнга боғлиқ маъноларини луғатларда тўла очиб беришга йўналтириш;

фразеологизмларнинг қўлланилиш усулларини, хусусиятларини аниқлаш орқали қорақалпоқ ёзувчилари тилига, услубига тавсифлар бериш ва фразеологизмларнинг қўлланилиш имкониятларини кенг доирада ўрганиш;

когнитив фразеология асосида қорақалпоқ тили фразеологик фондини тизимлаштириш.

Тадқиқот объектини асосан, орфографик, икки тиллик, изоҳли фразеологик луғатлардан ўрин олган фразеологик бирликлар, шунингдек, қорақалпоқ адиблари К.Султанов, Ш.Сейтов, И.Юсупов, Т.Қайипбергенев, М.Низанов, Г.Есемуратова, Х.Даўлетназаров асарлари ва халқ оғзаки ижоди намуналарида қўлланилган фразеологизмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг семантик, когнитив, лингвомаданий, миллий ўзига хослик, услубий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда қиёслаш ва тизимли тарзда ўрганиш усуллари, семантик таҳлил, фразеологизмлар семантикасини аниқлашда компонент таҳлил, дистрибутив, лингвистик тажриба усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тили фразеологик системасининг назарий асослари тилшуносликда шаклланган илмий-назарий қарашлар негизида семантик-лингвомаданий аспектда очиб берилган;

қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг мураккаб этномаданий бирлик эканлиги, ҳажми ва чегараси, семантикаси мазкур мезонлар асосида инсон онги – сезгиси, идроки орқали улардаги маълумотларга эга бўладиган ҳар хил нуқтаи назардан аниқланган;

қорақалпоқ тилшунослигида илк бор фразеологизмларни аниқлашда мезонлар, фразеологик тизимнинг семантик, услубий хусусиятлари, матндаги услубий вазибалари ва қўлланилиш хусусиятлари асослаб берилган;

қорақалпоқ тили фразеологиясига янгича – тизимли-вазифавий, антропоцентрик ёндашув қўлланилган; халқ менталитети, миллий характерини сифатловчи фразеологизмлар лингвомаданий нуқтаи назардан тавсифланган;

фразеологизмларнинг тарихий-маданий хусусиятлари қорақалпоқ халқининг лингвомаданий қарашлари билан уйғун ҳолда изоҳланган;

қорақалпоқ тили фразеологизмларининг матнда, оғзаки сўзлашув, фольклор ва насрий асарларда қўлланишдаги услубий имкониятлар очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларни тизимли илмий нуқтаи назардан ўрганиш жараёнида уларни яхлит тизим сифатида таҳлил этиш натижасида илмий тадқиқ этишнинг янгича тамойиллари, йўналишлари белгилаб берилган;

қорақалпоқ тилидаги фразеологизмлар ва уларнинг услубий қўлланилиши муаммосини умумлисоний, айниқса, тил маданияти нуқтаи назаридан танқидий таҳлил қилиш билан бирга, қорақалпоқ халқи менталитетига, хулқ-ахлоқига фалсафий, педагогик, психологик нуқтаи назардан ҳам ёндашилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилган, шу орқали тилшуносликдаги янги, илмий тадқиқот йўналишларига муносабат билдириш ҳолатлари асосланган;

миллий хусусиятларга эга фразеологизмлар тўпланиб, уларни адабий тилда, оғзаки сўзлашув тилида ўринли, мақсадга мувофиқ, мантиқан тўғри ҳолда фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

тадқиқот материалларини илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш асосида фразеологизмларни умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, олий таълимда кенг фойдаланишга доир амалий тавсиялар илгари сурилган.

олий таълим муассасалари учун дарслик яратилиб, ўқув даргоҳларига тадбиқ этилган. Abdinazimov Sh., Pirniyazova A., Shinnazarova S. *Hozirgi qoraqalpoq adabiy tili fonetikasi va leksikologiyasi*. Toshkent: Sano Standart, 2018. B. 188. ISBN 978-9943-5333-9-4 (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 603 сонли буйриғига асосан 5111300 – Она тили ва адабиёти талабалари учун тавсия этилган. Рўйхатга олиш рақами 603-266).

машҳур ёзувчи М.Низанов асарларидаги фразеологизмлар луғати тузилиб, контекстлик маънолари изоҳланган.

диссертация материаллари, келтирилган хулосалар ва фикр-мулоҳазалар мазкур масала бўйича янги тадқиқотлар яратишда назарий ва амалий манба вазифасини бажариши асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги унда таҳлилга тортилган материаллар қорақалпоқ тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда хулосалар қилишга имконият берганлиги, уларнинг асосли, методологик жиҳатдан етук эканлиги, назарий фикр-мулоҳазалар ҳамда натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги, олинган яқунларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти қорақалпоқ тили фразеологик тизимини ҳар томонлама ўрганиш, унинг асосий мезонлари, услубий таркиби, структурал-

семантик, стилистик хусусиятлари, имкониятлари, матндаги вазифаси, уларнинг келиб чиқиши доирасида таҳлил қилиш тамойиллари ишлаб чиқилган, олинган илмий маълумотлар ва тадқиқот натижалари қуйидаги лисоний масалаларни: қорақалпоқ тили фразеологик тизими таркиби, семантикаси, этнографик, миллий, антропоцентрик ва лингвомаданий характери тўғрисидаги гипотезани тасдиқлаш; фразеологизмлар этимологияси ва тарихини аниқлаш; фразеологизмларни синхроник ва диахроник йўналишда қиёсий ўрганишни қорақалпоқ тили материаллари асосида бундан буён ҳам такомиллаштириш; қорақалпоқ тили услубияти меъёрларини такомиллаштириш вазифасини бажариш кабилар билан ойдинлаштирилади.

Тадқиқотнинг аниқ натижалари олий ўқув юртларидаги педагогик амалиётда – ҳозирги қорақалпоқ фразеологияси бўйича маърузалар ўқишда, «Қорақалпоқ адабий тилининг лексикологияси», «Қорақалпоқ тили услубияти», «Нутқ маданияти», «Семасиология» фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар, луғатлар яратишда, шунингдек, қорақалпоқ тилининг фразеологик стилистикаси бўйича махсус курслар ҳамда семинарлар ташкил қилишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоқ тилидаги фразеологик система ва унинг стилистик имкониятларининг семантик-лингвомаданий таҳлилин аналга ошириш бўйича олинган натижалар асосида:

фразеологизмларнинг бадиий ва фольклор асарларда ишлатилишига оид хулосалар «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» мавзусидаги (2012-2016 й.й. бажарилган) Ф1-ФА-0-43429-рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон Бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 13 июлдаги 115/1 сонли маълумотномаси). Натижада бадиий ва фольклор асарларида фразеологизмларнинг тўғри ва кўчма маъноларда фойдаланилиш даражасини очиқ бериш имкони яратилган;

фразеологизмларнинг функционал сўз ясалишига оид хулосалари «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» мавзусидаги (2012-2016 й.й. бажарилган) ФА-Ф1-Г003 рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон Бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 13 июлдаги 116/1 сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши фразеологизмларнинг қорақалпоқ тилидаги сўз ясалиши соҳасига боғлиқ ва фарқли томонлари каби масалаларни аниқлашга хизмат қилган;

фразеология, фразеологик маъно, фразеологик услуб борасидаги тадқиқот натижалари Қорақалпоғистон Республикаси 10 синф мактаб дарсликларида ўқув жараёнига жорий этилган. Ўқувчиларнинг лисоний компетентлигини ривожлантиришнинг мазмун-моҳияти диссертант

томонидан нашр этилган «Ш.Сейтовтың «Ығбал соқпақлары» романында фраземалардың қолланылыўы» (Узлуксиз таълим тизимида тил ва адабиётни ўқитишда инновациялар. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: Фан ва технология, 2019) ва M.Nizanov shıǵarmalarınıń frazeologizmler sózligi (Nókis: NMPI baspaxanası, 2019) мақола ва луғатида акс эттирилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 июлдаги 01-01/01-09-1906 сонли маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши Республика мактаб ўқувчиларининг лингвистик компетентлигини ривожлантиришга, фразеологик услубият энг муҳим воситалардан бири эканлигини англашларига кўмаклашган;

қорақалпоқ шеърляти ва насрида қўлланилган фразеологизмларнинг Т.Қайыпбергенов, И.Юсуповлар томонидан ижодий-семантик ўзгаришларга учраши, уларнинг фразеологизмларни қўллаш маҳорати Бердақ Миллий музейида маънавият дарслари ва илмий-амалий анжуманлар ўтказиш жараёнида тарғиб этилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 2 июлдаги 2-04/905-сонли маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг амалиётда қўлланилиши анжуман қатнашчиларининг бадиий тафаккурини оширишга хизмат қилган;

тилимининг нодир бойлиги бўлган фразеологизмларнинг жонли нутқда кенг қўлланилиши ва нутқ маданиятини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон телеканалининг «Әдебият бостаны», «Гәўҳар сөзлер» кўрсатувлари орқали намойиш этилган ва Қорақалпоғистон радиоканалининг «Муסיкий дам олиш дастурлари» бош муҳарририяти томонидан тайёрланадиган «Әдебият хәм дәўир», «Тарийхий шахслар», «Жаслар ушын», «Мийрас» эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган. (Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпаниясининг 2020 йил 10 июлдаги 01-02/948 сонли маълумотномаси). Натижада кўрсатувлар мазмун-мундарижасининг илмий-оммабоплиги таъминланган ҳамда янги манбалар билан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та республика ҳамда 11 та халқаро конференцияларда маъруза шаклида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та, жумладан Республика нашрларида 10 та ва хорижий журналларда 2 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 225 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг диссертация бажарилган муассаса илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, жорий қилиниши, апробацияси, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Қорақалпоқ тилининг фразеологик тизими, хусусиятлари»** деб номланган.

Қорақалпоқ тили фразеологик қатлами структураси ва маъноларига кўра ҳар хил ва мураккабдир. Фразеологизмларнинг асосий вазифаси – образли, экспрессив, бадиий восита ҳисобланиб, қорақалпоқ фольклори, ёзувчи ва шоирлари асарларида ўз аксини топган. Айни пайтда фразеологизмлар коммуникатив, номинатив, когнитив вазифаларни ҳам бажаради. Ушбу учта вазифа ўзаро боғлиқ бўлиб, уларнинг энг муҳими кумулятив вазифа ҳисобланади. Фразеологизмнинг ички шакли миллий-маданий хусусиятни акс эттиради. Маданият – халқнинг ўзига хос хотираси. Кумулятив вазифага оид ҳолда тил уни сақлайди, авлодлар орасидаги алоқани таъминлайди.

Биринчи бобнинг биринчи фасли **«Қорақалпоқ тили фразеологиясининг ҳажми ва чегараси»** деб номланади. Ҳозирги кунгача фразеология масалаларига оид ишларда қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг ҳажми ва маъноси ҳақида ҳар хил фикрлар келтирилган. Замонавий тилшуносликда фразеологик ҳодисаларга кенг ва тор йўналишдаги тил воситалари сифатида қаралади. Масалан, Е.М.Галкина-Федорук, А.А.Реформатский, А.И.Ефимов, В.В.Виноградов ишларида барча турғун сўз бирикмалари, нақл-мақоллар, афоризмлар фразеологизмлар қаторига киритилса, М.М. Копыленко, З.Д.Попова фразеологизмларга кенг нуқтаи назардан ёндашиб, фразеология лексемаларнинг якка ва гуруҳ бўлиб бирлашишини ўрганиши керак, деган фикрни билдиради⁵. Фразеология объектини тор йўналишда тушуниш А.И. Молотков, М.Т. Тагиев, И.А.Федосов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кўзга ташланади.

В.Н. Телия фразеологияни қуйидаги типларга бўлиб ўрганишни тавсия этади: *Фразеология-1* – тилшуносликнинг бир бўлими, сўзлар бирикиши, идиомалашини ва уларнинг белги вазифаларини ўрганади; *Фразеология-2* – маъноларнинг боғланиши категорияларини ўрганадиган тилшунослик соҳаси (лексик ва семантик, шунингдек, лексик-грамматик аспектда) яна сўзнинг маъносига боғлиқ ҳолда таниб олиш вазифалари; *Фразеология-3* – клишелашган нутқни ўрганувчи тилшунослик соҳаси (нутқ маданияти ва

⁵ Копыленко М.М., Попова З.Д. Очерки по общей фразеологии (фразеосочетания в системе языка). – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1989. – С.192.

вазияти назарияси билан ўзаро алоқада); *Фразеология-4* – маълум бир оқим, услуб ёки муаллифга хос бўлган атама номинациясини ўрганувчи лингвостилистика соҳаси; *Фразеология-5* – паремиология соҳаси; *Фразеология-6* – қанотли сўзларни тўпловчи амалий тилшунослик соҳаси⁶.

Фразеология тилшуносликнинг кенг ва махсус соҳаси бўлиб, тадқиқот объекти бўйича фарқланиб туради. Уни юқорида кўрсатилганидек, олти тармоққа бўлиб ўрганиш тилдаги турғун сўз бирикмаларидан ҳар бирининг хусусиятига хос ҳолда тўлиқ ўрганишга, тизимга туширишга ёрдам беради. Тилда турғун сўз бирикмалар номи билан юритиладиган умумий тил бирликларига: *идиомалар, фразеологик бирликлар, нақл-мақоллар, қўшма терминлар ва атамалар, қанотли сўзлар, штамплар ва клишелар* киради. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгилари билан ажралиб туради, уларга хос умумий белги уларнинг турғунлигида, тилда тайёр ҳолда яшашида, яъни ташқи шаклларида кўринади, уларнинг семантикаси эса ҳар хилдир.

Қорақалпоқ тилидаги турғун бирикмалар гуруҳларини қиёсий ўрганиш шуни яққол кўрсатадики, ҳар бир гуруҳ ўзига хос хусусиятларга эга бўлишига қарамасдан, улар яхлит фразеологик тизим. Улар орасида кўпгина олимлар томонидан *фразема, идиома* деб номланган, образлиқликка, эмоционал-экспрессивликка, таъсирчанликка, миллий характерга, генетик жиҳатдан, лексик таркибига кўра фарқларига эга бўлган, ҳар бир халқнинг этнографик хусусиятларини қамраб оладиган, антропоцентрик семантикани ифода этадиган, юзага чиқарадиган тил бирликларини тадқиқотимизда *фразеологизмлар* деб номлашни маъқул кўрдик. Кўринадики, фразеологизмлар турғун сўз бирикмалари бўлиб, семантик жиҳатдан идиомалашган лисоний бирликдир.

Тадқиқот доирасида юқорида қайд қилинган *Фразеология-1, Фразеология-4* деб аталган гуруҳларга мансуб бўлган фразеологизмлар кенг миқёсда ўрганилди. Чунки бошқа гуруҳларга оид фразеологизмлар ўзига хос лисоний ва тузилиш белгиларига эга бўлиб, улар махсус ўрганишни талаб қилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли «**Фразеологизмларга хос белгилар: генетик хусусиятлар**» деб номланади. Фразеологизмлар – тил тарихи, сўз маънолари, уларнинг ривожланиши ҳақида маълумот берадиган ягона манба. Илдизи бир бўлган туркий тилларда узоқ ривожланиш жараёнида уларга муштарак бўлган фразеологизмлар тузилиши, маъноларига кўра баъзи ўзгаришларга учраган. Туркий тиллардаги фразеологизмларни қиёсан ўрганганда улардаги ўхшашликлар ва тафовутлар мавжуд эканлиги маълум бўлиб, улар фразеологизмларнинг генетик келиб чиқишини аниқлашга имкон яратади. Бундай фразеологизмлар таркибидаги компонентлар туркий тиллар лексикасида алоҳида лексемалар сифатида қўлланилишдан чиқиб қолиб, ҳатто эскирган сўзлар қаторидан ўрин олган, баъзилари маънавий ўзгаришга учраган. Масалан, қадимги туркий тилларда *тин, қут* сўзлари *жан (жон)*

⁶ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996. – С. 75.

маъносида қўлланилган. Ушбу сўзлар фразеологизмлар таркибида баъзи ўзгаришлар билан қўлланилади: - *диңкеси қурыў* (қорақалпоқ тилида) – чарчаш⁷; - *тинкаси қуриди* (ўзбек тилида) – толиқди, дармонсизланди⁸; - *диңкені қуртты* (қозоқ тилида) – титығына жетті, туралады, болдырды⁹; *Қут* – қорақалпоқ тилида: бахт, баракат; ўзбек тилида: 1. берекет, 2. азық-аўқат. - *қуты қашиў* (қорақалпоқ тилида) – қорқыў; - *қут қоныў* – бахт, давлат келиши; - *қут(и) ўчди* (ўзбек тилида) – қаттиқ қўрққанидан, ғазабланганидан ранги оқариб кетди; - *қуты қаишты* (қозоқ тилида) – 1. Бойлиги-бахти кетди, бирлик-ҳамдўстлик (хамжихатлик) кетди, 2. Капалаги учди - қўрқди.

Фразеологизмлар лексикада мураккаб бирликлар сифатида қаралади. Уларда ҳар бир халқнинг кўп асрлик ҳаёт тажрибаси, маданияти, урф-одати, анъаналари ўз ифодасини топган.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «**Фразеологизмларнинг лексик хусусиятлари**» деб номланган. Кўпгина туркий тиллардаги каби қорақалпоқ тилидаги фразеологизмлар таркибидаги лексик бирликларнинг аксарияти умумтуркий лексик қатлам учун муштарак сўзлардир. Тарихий илдиэларига кўра фразеологизмларни лексик таркибига қараб икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ўз қатлам асосида пайдо бўлган фразеологизмлар.
2. Ўзлашган қатлам асосида юзага келган фразеологизмлар.

Фразеологизмлар таркибидаги туркий қатламга оид сўзлар маънолари бўйича бир неча гуруҳга бўлинади: инсон тана тузилиши атамалари; инсон ақли, хулқ-атворини билдирадиган сўзлар; инсоннинг жисмоний, физиологик хусусиятларини билдирувчи сўзлар; қариндошлик атамалари; ўрин, пайт тушунчасини билдирадиган сўзлар; хайвон, парранда, жонли жониворлар атамаларини билдирадиган сўзлар; ўсимлик номлари; табиат манзаралари номлари; рақамлар; ранг-тус билдирувчи атамалар; иш-ҳаракатни билдирувчи сўзлар; маиший турмуш, тирикчиликни билдирувчи сўзлар, антропонимлар; олмошлар.

Қорақалпоқ тили лексикасига оғзаки ёки ёзма ҳолда кўшни халқлар тиллари орқали, шунингдек, бевосита ўзлашган араб тили сўзлари фразеологизмлар таркибида кўплаб учрайди ва улар ўз қатлам каби кенг қўлланилади: *ҳам парыз, ҳам қарыз, аўзы толы ийманлы, қойны толы қуранлы* ва ҳ.

Фразеологизмлар таркибида келиб чиқиши тожикча-форсча бўлган сўзлар ҳам учрайди: *дэртке даўа, қэстеге шыпа, не ўмит, не қайыр* ва ҳ. Халқ этимологиясида: Чимбой шаҳридаги касбкорларнинг бир гуруҳи ип бўёқчилар «көкши» деб юритилади. Улар канои ипни ҳар хил рангга бўяйди. Ушбу бўёқ «*нил*» деб аталади. Қорақалпоқ тилида киши ўз сўзидан тонса, ёлғон сўзласа *нилдей айныды зой* деган фразеологизмни қўллайди. Бу касбий лексика асосида пайдо бўлган фразеологизм. Тадқиқотчилар фикрича, *нил* –

⁷ Ешбаев Ж. Қарақалпоқ тилининг қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис, 1985. – Б. 169.

⁸ Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 232.

⁹ Кеңесбаев С. Қазақ тілінің фразеологиялық сөздігі. Алматы: Ғылым, 1977. – Б. 154.

туркий тилларга будда динини тарғиб қилувчи ёзма ёдгорликларни қадимги уйғур тилига таржима қилиш жараёнида ўзлашган санскритча сўз. Масалан, *nilutpal* <санскр. *nilopala* – кўк рангдаги сув гули. Тожик, ўзбек тилларидаги нилуфар (сув лилияси, лотос) сўзи санскритча сўз билан алоқадор¹⁰. Яъни, қорақалпоқ тилидаги *нилдей айныў* – фразеологизми таркибидаги *нил* сўзи дарё ёки бошқа нарсени эмас, балки кўк рангни билдиради.

Биринчи бобнинг тўртинчи фасли «**Фразеологизмларнинг миллийлик характери**» деб номланган. Ҳар бир тилнинг фразеологик тизими чуқур миллий илдизларга эга. Фразеологизмлар миллий ҳаётнинг кўзгуси, шу сабабли ҳам унда ботиний сақланган миллий маданий асослар халқ менталитетини намоён этади. Фразеологизмлар миллий белгини маънавий фарқларда акс эттириб, маданий ва психологик мураккаб тафаккур усулини умумлаштириб кўрсатади. Уларнинг миллий-маданий маъносини фразеологизм таркибидаги халқнинг ўзига хос образли тафаккур тарзини акс эттирадиган элемент билдиради. Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг ўзига хос белгиси – уларнинг оғзаки ва ёзма нутқда кенг қўлланилишидир. Асрлар давомидаги анъаналардан бири – оғзаки сўзлашувда, халқ оғзаки намуналарида, урф-одатларда бадиий образли сўзлар – фразеологизмлар қўлланилган. Ҳар кунги дастурхон атрофида тонгги фотиҳа, тилак – буларнинг барчаси турғун бирикмалар орқали айтилган. Қорақалпоқлар қадимги даврлардан бошлаб ўтовларда яшаган. Ўтовнинг тепаси *шаңарақ* деб аталган, яъни тутун чиқиб турадиган жой. Қорақалпоқларда *шаңарақ*, *түтин* сўзлари оила маъносида энг муқаддас сўзлар бўлган. Шу сабабли ҳам *шаңарақтың уйтқысы* – меҳр, *шаңарақтың тиреги* – тўзим (сабр-қаноат). Халқнинг миллийлик характери – ўша *шаңарақ*ни қадрлашда, унга бахт ўчоғи улароқ муносабатда бўлишдадир. Ҳар бир инсон ушбу *шанарақ*да таълим-тарбия олади, ўсиб-унади, маънавияти шаклланиб камолга келади. Янгидан турмуш қурган ёшларга «*шаңарақ қурды*», «*шаңарақ көтерди*» деган фразеологизмлар қўлланилади. Уларга «*Шаңарағыңыз бийик болсын!*», «*Керегеңиз кең болсын!*», «*Босағаңыз беккем болсын!*» деган эзгу ният, тилаклар билдирилади.

Ҳар бир халқнинг миллий урф-одатлари сақланиб қолгандагина улар бошқа миллатлардан ажралиб туради. Қорақалпоқ тилида миллий хусусиятларни акс эттириб турадиган фразеологизмлар халқнинг ҳаётий тажрибаси, фалсафаси натижасида пайдо бўлган. Дунёдаги ҳар бир миллат ўз тушунчасига, ишонч ва қадриятларига, образларига эга. Сезгилар орқали қабул қилинган реаллик: ландшафт, ўсимлик ва ҳайвонотлар дунёси, об-ҳаво ва ҳоказо лисоний стереотипларнинг асоси ҳисобланади. Объектив дунёнинг ўзига хосликлари, жумладан, табиий шароитлар ва маданият, халқ тарихи, турмуш дастурлари ва менталитет ҳар бир тилда дунёни идрок этишининг ўзига хос усули сифатида ўз аксини топади. Нарса ва ҳодисаларнинг атамалари муайян маданий муҳит асосида образ, белги, тимсолга айланади.

¹⁰ Қайдаров Э. Қазақ тілі этимологиясынан этюдтер // Сөз өнері. – Алматы: Ғылым, 1978. – Б. 70.

Инсон ҳақидаги фан сифатида лисоний маданиятшунослик, бир томондан, инсон омилига йўналтирилган, иккинчи томондан, инсондаги лисоний омилга – маданиятнинг кўпгина тушунчалари ва белгиларига антологик хусусиятлари кўрсатилган (табиатга қарама-қаршилиги, эволюцион характерлаш, тарихийлик, кадр-қимматга эгалик, авлодлараро трансляция) яна бир омил кўшилади: оламни билишнинг, англашнинг семиотик табиати билан олам-маданият тилда ифодаланган олам манзарасининг бир бўлаги.

Биринчи бобнинг бешинчи фасли «**Фразеологизмларнинг синонимияси**» деб номланади. Фразеологик синонимлар бошқа сўзлардан ўзининг эмоционал-экспрессив бўёғи билан фарқланади. Улар бошқа сўзларнинг эквиваленти сифатида услубий мақсадда қўлланилади: Сайим ўйден шығып намазшамның көлеңкесиндей *демнің арасында* ғайып болды (А.Бегимов). *Көзди ашып жумғанша* хэмме зым ғайып тарқады (Т.Қайыпбергенов). Елмурат *айтып аўзын жыймай-ақ* еки қолы билегине шекем қара майға сығасып Гүлсәнем кирип келди (Ж.Аймурзаев). *Хәп заматта* Сәлийманы ертип склад алдына келди (К.Султанов). *Хә демеи* вагон босап қалды (А.Оразов). Көсе оған шекем бағана алып келген пахталарын *қас пенен көздің арасында* қанарға тықты (Ө.Хожаниязов). *Усы сөз шығыўдан* хызметкер де зып берди (К.Султанов). Ол өзиниң күдиретли күшине, сымбатына қарамастан *бир заматтың ишинде* әбден шаршап болдырып қалды (А.Бекимбетов). Келтирилган мисоллардаги фразеологизмларнинг барчаси пайт маъносини ифодалайди. Фразеологизмлардаги синонимия ҳодисаси алоҳида фарқланиб турувчи белгилардан бири ҳисобланади. Синонимик қаторлардаги ҳар бир фразеологизмнинг компонент таркиби, семантик маънолари ҳар хил. Уларнинг билдирадиган эмоционал-экспрессив маъноларида нозик фарқлар учрайди.

Биринчи бобнинг кейинги фасли «**Фразеологизмларнинг вариантлилиги**» деб номланган. Фразеологизмлардаги вариантлилиқ ҳодисаси ҳам уларнинг ўзига хос белгиларидан бири. Баъзи фразеологизмларнинг таркибидаги компонентлари турғун, баъзилари эса ўзгарувчан бўлади. Бу ҳодиса фразеологизмлар орасидаги вариантлилиқни пайдо этади. Фразеолог олимлар бу масалада фразеологизмлар қўлланилишидаги узул ва окказионал ўзгаришларга эътибор қаратади. Олимларнинг таъкидлашича: «Ички образ ва маънони сақлаган ҳолда фразеологизмлар лексик-семантик таркибидаги компонентларининг ўзгаришга учраши вариантлилиқ»¹¹. Бадиий сўз усталари асар тилини ниҳоятда бадиийлаштириб яратишда фразеологик вариантлардан кенг фойдаланади: Шайықтың *әжийнеси тырысып*, Маман бөктерген атты қамшылап-қамшылап жиберди. Сыдық молла *жинин тырыстырып* кеңкилдеп күлди (Т.Қайыпбергенов).

¹¹ Наурузбаева С.Т. Фразеологические единицы в каракалпакско-русском словаре. – Ташкент: Фан, 1972. - С. 57.

Лексик-грамматик жиҳатдан ўхшашлигига асосланиб, фразеологик вариантларни тилимизда маъносиз, такрорланувчи сўз гуруҳлари дейиш мумкин эмас. Аксинча, улар нутқда фикрнинг гўзаллигини, экспрессивлигини кучайтирувчи восита хизматини бажаради. Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларда вариантлашиш кўп тарқалган ҳодисалардан бўлиб, улар ёрдамида янги тузилмалар фразеологизмлар юзага келади. Бу эса тил фразеологик захирасининг бойиши ва ривожига асос бўлади.

Биринчи бобнинг еттинчи фасли «**Фразеологизмларнинг тузилиши**» деб аталган. Илмий тадқиқотларда фразеологизмларни тузилиши бўйича энг асосий грамматик типларга ажратиб қараш шаклланган: сўз бирикмаси шаклидаги фразеологизмлар; содда гап ва қўшма гап шаклидаги фразеологизмлар.

Қорақалпоқ тилининг бой фразеологик материаллари уларнинг ҳар хил структурага эга эканлиги билан ажралиб туради. Масалан, тузилиши жиҳатидан бир қисмдан иборат бўлган фразеологизмлар: *төбе шашы тикке турыў, тили қысқа болыў* ва ҳ. Фразеологизмлар орасида мураккаб қурилишга эга бўлган тенг икки қисмдан иборат бўлган тузилмалар ҳам тилимизда анча учрайди: *от басы, ошақ қасы; көйлеги көк, тамагы тоқ* ва ҳ.

Бадий асарларда фразеологизмларнинг кўйидаги тузилмавий турлари кенг қўлланилади:

тенг икки компонентли фразеологизмлар: Жалғызының қанлы майданға атланар алды алты қанатлы үйге бир өзи сыймай пошалап, *ингендей қайысып, ботадай бозлап* отырған Назлы кемпир жүрегіндеги дәртин усыннан басқа шыпа таба алмай ... отырғанын ким билсин, қыза келе айтынып жылады (К.Султанов).

содда гап шаклидаги фразеологизмлар: *Көзи тас төбесине шықты. Аңы қашып кетти* (А.Бекимбетов).

қўшма гап шаклидаги фразеологизмлар: *Жер жарылмады, кирмедим.*

Фразеологизмлар тилдаги алоҳида тузилмалар бўлиб, улар ўз тузилиши, семантикаси, функционал хусусиятларига кўра бошқа тил бирликларидан фарқланиб туради.

Ишнинг иккинчи боби «**Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг семантикаси**» деб номланади. Фразеологизмларга хос белгиларни ажратишда асосий омил семантик параметрлардир. Ҳозиргача фразеология бўйича амалга оширилган ишларда кўпинча фразеологизмлар таркибидаги компонентларнинг семантик бирикувчанлиги, яхлит маънога муносабати бўйича гуруҳларга ажратиш тажрибаси кенг ўрин олди ва фразеологик чатишувлар, фразеологик бирликлар, фразеологик қўшилмалар, фразеологик сўзлар каби гуруҳларга ажратиб ўрганилди¹².

¹² Шанский Н.М. Фразеология современного русского языка. – Москва: Высшая школа, 1969. – С. 231; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилининг лексикологиясы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1968. – Б. 326.

Кейинги тадқиқотлар фразеологизмларни бундай гуруҳларга бўлиш асосий ва муҳим мезон эмаслигини кўрсатди ва фразеологизмнинг маъносига кўпроқ эътибор бериш мезонга айланмоқда¹³.

Иккинчи бобнинг биринчи фасли «**Фразеологизмларнинг экспрессив функцияси**» деб номланган. Фразеологизмлар тилнинг образли баёнлаш воситаси вазифасини бажаради ва унинг энг характерли белгиларидан бири семантик экспрессивлик ҳисобланади.

Фразеологизмларни семантик жиҳатларидан ўрганган олимлар уларда асосан *инсон – табиат – жамият* триадага ажратади. Фразеологизмларнинг асосий маъноси ушбу уч мавзу атрофида жипслашади. Инсоннинг табиат ва жамият билан алоқаси натижасида ҳар хил семантикадаги фразеологизмлар яратилган. «Инсон» концепти соҳаси идрок қилиш бирлиги сифатида барча тиллар ва маданиятлар вакиллари учун универсал ҳодисадир. Унинг тушунилиши, ўзига хос хусусиятларининг тилда акс этиши ва борликни категориялашдаги аҳамияти ҳар бир миллий тилда ўзига хослиги билан ажралиб туради¹⁴, деб ёзади қорақалпоқ ва инглиз тилларидаги «инсон» концептини қиёсан ўрганган Г.Қидирбаева.

Биз қорақалпоқ тилидаги инсон тушунчасига боғлиқ фразеологизмлар семантикасини тилшуносликдаги сўнгги йўналиш асосида ўрганиш орқали уларни қуйидагича мавзувий гуруҳларга ажратдик:

инсон ҳулқ-атворин, ақл-фаросатин тавсифловчилар: *бўрқиттей қырагы (бургутдек зийрак); кийиктей сетемшил (кийикдек гамгин)* ва ҳ.

инсон ҳолатин тавсифловчилар: *сең соққан балықтай (санг урган балиқдек), жаралы арысландай (яраланган шердай)* ва ҳ.

инсоннинг ташқи кўринишини тавсифловчилар: *он төрт күнлик ай киби (ўн тўрт күнлик ой киби), газ мойын (гоз бўйин)* ва ҳ.

инсон ҳаёт йўли билан ҳолатини тавсифловчилар: *ийт пенен пышықтай өмир сүриў (ит билан мушукдек ҳаёт кечирши); дўньяға бир келген (дунёға бир келган – бекаму-кўст ҳаёт)* ва ҳ.

инсон эмоционал ҳолатини тавсифловчилар: *найза ўстинде отырғандай, тышқан аңдыған пышықтай; жапырақтай қалтыраў* ва ҳ.

инсоннинг инсонга ёки предметга муносабатини тавсифловчилар: *ийттиң етинен бетер жек көриў; жулдызы жарасыў* ва ҳ.

инсоннинг овқатланиш жараёнини тавсифловчилар: *жылан жалағандай; түйени түги менен, гүбини түби менен жутыў* ва ҳ.

Бундай семантик гуруҳлар ичида инсон ҳулқ-атвори, ички дунёсини акс эттирувчи фразеологизмларда ҳам эмоционал-экспрессив маънолар яққол кўринади.

¹³ Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – Москва: Школа «Языки русской культуры», 1996. – Б. 84-154.

¹⁴ Қдырбаева Г.К. «Ман» - «адам» концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017. – Б. 11.

Фразеологизмлар орасида энг кўп учрайдиганлари инсон ички дунёсини, сезгиларини тавсифлайдиган фразеологизмлардир. Уларни куйидаги мавзуй гуруҳларга ажратиш мумкин:

кувонч, бахт-саодатни билдирувчи: *басына бахыт қоныў, қуўанышы қойнына сыймаў, төбеси көкке жетиў* ва ҳ.

хайрон қолиш, ҳаяжонланишни билдирувчи: *ақылдан сасыў, аң-таң болыў, тышқан тегиси мың теңге болыў* ва ҳ.

қийналиш, қайғуриш, кўнглига келиш кабиларни билдирувчи: *бөриге байлаган ылақтай болыў, жан саўдасына түсиў, жанын қоярға жер таппаў* ва ҳ.

кўрқинчни билдирувчи фразеологизмлар: *жан ийманы қалмай, зәрреси ушыў, көзи әлле-пәлле болыў, ҳўрреси ушыў* ва ҳ.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «**Фразеологизмлар семантикасини таърифлашнинг лингвомаданий мезонлари**» деб номланади.

Қорақалпоқ тили фразеологизмлари халқ этномаданий ҳаётининг реал кўринишини англатиб туради. Шу сабабли ҳам фразеологизмлар семантикасини аниқлашда лингвомаданий мезонлар асосий ва етакчи ҳисобланади. Қорақалпоқ халқи урф-одатлари, анъаналари узок даврлар давомида шаклланган бўлиб, халқнинг яшаш тарзи, ҳаёт кечирishi, маданияти, миллий ўзига хослигини акс эттиради. Қорақалпоқлар анъанавий тарзда балиқчилик, деҳқончилик, чорвачилик каби касблар билан шуғулланиб келган ва ҳаёт кечирishi манбаи бўлган касбларга боғлиқ фразеологизмлар пайдо бўлган: *Жылымың майлансын* деган ибора балиқчига *балигинг кўп бўлсин* деган тилак маъносида қўлланилган. *Қырманың қызыллансын* ибораси деҳқонларга нисбатан айтилган. Унинг маъноси *ҳосилинг мўл бўлсин* дегани. *Төрт түлигиң сай болсын* фразеологизми чорвага нисбатан айтилган. Бу тўрт тулик мол – йирик қорамол, туя, йилқи, қуй-эчки мўл бўлсин дегани.

Глобаллашув даврида қорақалпоқ халқи миллий маданий меросларини, жумладан, тилнинг қаймоғи ҳисобланган турғун сўз бирикмаларида сақланган лингвомаданиятни ёшларга ўргатиш, тушунтириш ниҳоятда муҳим вазифа. Айниқса, халқ оғзаки адабиёти намуналарини теран ўрганиш орқали илм, маданият, тил бойликларини ўрганиш, келажак авлодларга етказиш уларнинг маданий меросга нисбатан қарашини ўзгартиради ва тарбиялайди. Фразеологик тизим эса халқ маданиятини акс эттирувчи, сақловчи восита сифатида миллатнинг дунёни идрок этиши усулининг идиоэтник шакл ва турларини ўзида жамлайди. Бу эса ўз навбатида олам манзарасини идрок қилишининг лисоний-когнитив шаклини юзага келтиради.

Ушбу бобнинг учинчи фасли «**Қорақалпоқ тили фразеологизмлари семантикасини таърифлашнинг лингвокогнитив мезонлари**». Ҳозирги даврда маданиятлараро муносабатлар ҳар бир миллатнинг ўзига хос хусусиятларини фақат тил бирликлари асосидагина изоҳлашни эмас, балки уларнинг этномаданий тушунчаларини инсоний омил орқали билдиришини ҳам тақоза этади. XX асрда шаклланган тилшуносликдаги когнитив йўналиш

инсон омилини биринчи ўринга чиқарди, инсониятсиз тилнинг ривожлана олмаслигини тан олган ҳолда, уни инсон омили билан боғлаб ўрганиш усулини тилшуносликда бош илмий йўналиш сифатида қарамокда. Шу тариқа тилшуносликда когнитив йўналиш пайдо бўлди ва у бўйича муайян қарашлар майдонга келди¹⁵.

Кейинги даврларда когнитив йўналишдаги тадқиқотларда когнитив фразеология алоҳида соҳа сифатида ажралиб чиқмоқда. Когнитив фразеология фразеологизмлар семантикасини лисоний ва нолисоний маълумотлар асосида борлиқни қабул қилиш, тил эгасининг ментал ҳосиласи, воқелиги тил воситалари фарқларини чуқур, ҳар томонлама ўрганишга имкон беради.

Диссертацияда қорақалпоқ тилидаги «ҳаял» (аёл) концепти билан боғлиқ фразеологизмларнинг когнитив параметрлари аниқланган. Аёл мавзуси – мангу мавзу. Қорақалпоқ халқи этномаданиятида аёлнинг ўрнини тил материаллари воситасида кўрсатиб бериш, уни халқнинг дунёни идрок этиши, этник хусусиятлари контекстида когнитив ўрганиш долзарб ҳисобланади. Оламнинг фразеологик манзараси халқнинг асрлар давомида тўпланган тажрибаси ва тафаккури, тушунчалари асосида шаклланади. Қорақалпоқ халқи ўзининг урф-одат, этномаданиятидан келиб чиқиб, ҳаёт фалсафасини ўз фольклор асарларида акс эттирган. Бошқа туркий тиллардаги каби, қорақалпоқ тилида *аёл* сўзининг ҳар хил синонимлари қадимги даврлардан ҳозиргача шаклланган, масалан, *нашар*, *нэзик жан*, *зайып*, *жубай*, *яр*, *қостар*, *қосақ*, *сүйикли*, *сәўгилик*, *сүйген яр*, *үй бийкеси*, *ақ орамал*, *өмирлик жолдас* ва ҳ. сўзлар бор. Ш.Абдиназимов Туркий ёзма ёдгорликларида *қатын*, *урагут*, *қудаз*, *йотаз*, *кунчуй* сўзларининг бир тушунчани англатиш учун қўлланилганлигини, *ҳаял* тушунчасини англатишда қўлланиладиган *киси*, *тиши*, *ебчи*, *аўлик*, *аўрат*, *ҳаял*, *зайып*, *нашар*, *жаўан*, *зэн*, *қостар* сўзларининг ҳам бор эканлигини мисоллар ёрдамида кўрсатади¹⁶.

Ушбу сўзларнинг барчаси бир тушунча атрофида жамланган концептда акс этиши – бу нарсалар ва ҳодиса, воқеа сифатларини кўриш, эшитиш, ҳид, сезиш орқали тажрибадаги билимимизнинг яқка хусусиятлари билан ёдимизда сақланади. Олам манзарасини акс эттириш учун ҳар хил образлар концепт структура тузади. Уларнинг барчаси фразеологизмларда тасвирлаш, изоҳлаш орқали юзага чиқади. «Ҳаял» концептининг билдирилиши гўзаллик

¹⁵ Кубрякова Е.С. Эволюция лингвистических идей во второй половине XX века (опыт парадигмального анализа) // Язык и наука конца XX века. – Москва: Ин-т языкознания РАН, 1995; Смағұлова Г. Мағыналас фразеологизмдердің ұлттық-мәдени аспектілері: Филол. ғыл. докт. ... дис. автореф. – Алматы, 1998. – Б. 7; Касымова З. А. Олам ва одам концепцияси миллий ва жаҳон адабиёти анъаналари призмасида (А.Фитрат, А.Қодирий, А.Чўлпон ижоди мисолида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, ЎзМУ. 2009. – 24 б.; Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2013. – Б. 283; Абдиназимов Ш.Н. “Ҳаял” сөзи ҳаққинда// Бердақ номидаги ҚДУ Ахборотномаси. – Нукус, 2015. - № 4. – Б. 104-107; Қдырбаева Г.К. “Ман” – “адам” концептосфераси бирликларининг лингвомаданий ва лингвокогнитив хусусиятлари (инглиз ва қорақалпоқ тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалс. докт. ... (PhD) дис. автореф. – Тошкент, 2017.

¹⁶ Абдиназимов Ш. «Ҳаял» сөзи... // Тил – миллеттин руҳи. – Ташкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 39-44.

микрoкoнцептида кўзга ташланади: *ай десе аўзы бар, кун десе кoзи бар* ва ҳ. Қoрақалпоқ халқ достони «Қирқ қиз»да аёл концептига хос бўлган тасвирлаш Гулайимнинг гўзаллигини таърифлашдан бошланади:

*Тал шыбықтай таўланган,
Алтын киби пуўланган,
Қара қаслы, қолаң шашлы,
Жаўдыр көзли, шийрин сөзли,*

Гулайым жалғыз қыз болды (Қирқ қиз, 7-б).

«Ҳаял» концепти қoрақалпоқ этномаданиятида ўзига хос белгилари билан характерланади: ўчоқ боши, оилани сақловчи, оилада ободончилик пайдо этувчи, уй хўжалиги ишларини бажарувчи, авлод, ҳаёт давомчиси, болаларнинг онаси. Оилада болаларни, айниқса қиз фарзандни миллий урф-одатга тарбиялашда уни эпчил, анъаналарга содиқ, хўжалик ишларини бошқара оладиган қилиб тарбиялашган, бўлажак келинга (қизга) қoрақалпоқ маданиятида *ениши* (энчи) тайёрланган. Ёш оила ҳеч нарсага муҳтож бўлмаслиги учун энчи таркибига оилага керакли барча нарсалар кирган. Фразеологизмда аёллар сиймосидаги концептлик структураларнинг кўриниши – миллий ментал кўрсаткичдир. Юқорида келтирилган аёлга хос белгилардан бошқа қoрақалпоқ маданиятида уларни эрининг маслаҳатчиси, ақл берувчиси сифатида ҳам баҳолаш бор. Бунга қoрақалпоқ халқ достонларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин: *Жигиттиң бир жолдасы ат болар, ақылгөйи оның опалы яры*. Халқ орасида шундай ривоят бор: Элни душман куршаб олибди, улар: биз болаларга, аёлларга тегмаймиз, дебди. Аёллар, керакли нарсаларингизни кўтарганингизча олиб кетинг, – деб бўйруқ берибди. Шунда ақлли аёллар эрларини орқалаб чиқиб кетган экан.

Қoрақалпоқ аёлининг фикрлаш қoбилияти, зеҳни ўзгачалиги, фаросати, хулқи, меҳнаткашлиги, чидамлилиги, муҳаббати, гўзаллиги, сулувлиги ва б. фразеологизмлар тасвирлайдиган тилдаги кўринишлари халқнинг этноцентриқ концептларини ташкил этади.

Келажакда «аёл» микрoкoнцептининг замонага хос *ишбилармон аёл, муътабор аёл, тадбиркор аёл* ва ҳ. микрoкoнцептларига, имиджига, касби, интеллектуал даражасига таянган динамик ҳодиса сифатида жамиятнинг маънавий-ижтимоий анъанаси билан қиёслаб ўрганишга зарурлик бор эканлиги исботлонмоқда.

Қoрақалпоқ тилида хотин-қизларга нисбатан қoрақалпоқ халқининг дунёқараши, тушунчаси фразеологизмларда ўз аксини топган: *вояга етган қиз; турмушга тайёр қиз; қизил кўйлакли; қизил рўмолли; қиз мартабаси; қиз хулқи, қиз алари (уйланмаган йигитга сибага, ҳурмати); қыздың жыйған жүгиндей; қыз қуўйў (дәстүрий халық ойыны); қыз минезли; қыз оятыў; қыз алысыў; қыз айттырыў; қызлай алған ҳаялы, қыз узатыў, қыз жасаўы* ва ҳ.

Бадий асарларда хотин-қиз тушунчасини билдирадиган фразеологизмлар кўп учрайди: *Қыз алмаган жигиттиң бери сондай болады, қызыл көйлеклини көрсе, ишкен асын қояды*.

– Хожалығын тиклеп, *бир шүберек баслыны* үйине киргизиўдин талабында шығар, - деди ағам. (С.Бахадырова).

Аёл-қизлар образини эртак, ривоятлар ва бошқа да фольклор намуналари мавзуларидан ҳам кўриш мумкин: «Ақлли аёл», «Камбағалнинг қизи», «Ақлли қиз», «Етим қиз», «Хонни ишлатган хотин».

Умуман олганда, когнитив фразеология қорақалпоқ тилшунослигида ҳали шаклланиш босқичида бўлиб, бу соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар анчагина.

Кейинги фасл **«Луғатларда фразеологизмлар ва фразеография масалалари»** деб аталади. Фразеография фразеологик луғатлар тузишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланувчи соҳа, лексикографиянинг хусусий бўлими, тилшуносликнинг кейинги даврларда шаклланган тармоқларидан бири. С.Т.Наўризаева рус ва туркий тилларидаги назарий фикрларга суянган ҳолда қорақалпоқ тилидаги от фразеологизмларнинг қорақалпоқча-русча луғатларда қандай берилганлигини илмий жиҳатдан ўрганиб чиққан¹⁷. Ж.Ешбаев томонидан қорақалпоқ тили фразеологизмларининг қисқача изоҳли луғати нашр қилинган¹⁸. Қорақалпоқ тили фразеологизмлари бўйича бундан бошқа бир неча луғатлар чоп этилган¹⁹. Аммо ушбу луғатларда қорақалпоқ тили фразеологизмлари тўла қамраб олинмаган. Луғат таркибининг муайян қисмларини ташкил этувчи фразеологизмлар халқ оғзаки ижоди, бадий асарлар, оғзаки сўзлашув тилида кенг қўлланилади. Бунда битта фразеологизмнинг ўзи ижобий ёки салбий маъно бериши мумкин. *Көз тигиў* – фразеологизмининг маъносини Ж.Ешбаев *кўзни айирмай қараб туриш*, деб тушунтирса, «Қорақалпоқ тилининг изоҳли луғати»да: 1) тикилиб қараш; 2) диққат қилиш, кўнгил бўлиш деб тушунтирилади.

Қ.Пахратдинов, Қ.Бекниязов луғатида *көз тикти* – қаради, назар солди, умидланди, кўнгил бўлди, деб берилган.

Ушбу фразеологизм матнда қўлланилганда:

1. Мәдияр сораўлы пишинде Исмайлға *көз тикти* (М.Нызанов) – қаради, назар солди маъносида қўлланилган.

2. Жолдасынды ҳурмет қыл,

Өзгелерге *көз тикпе* (М.Қашғарий) – кўзингни сўзма, кўз билан хиёнат қилма деган маънода қўлланган.

3. Ҳаялына мийримли *көзин тикти* (К.Султанов) - кўнгил бериб эътибор қилиш маъносида.

¹⁷ Наурызбаева С.Т. Типы именных фразеологических единиц каракалпакского языка и их отражения в каракалпакско-русском словаре: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Москва, 1967.

¹⁸ Ешбаев Ж. Каракалпак тилинің қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис, 1985. – Б. 157.

¹⁹ Джумамуратов Т. Русско-каракалпакский фразеологический словарь для школьников. – Нукус: Каракалпакстан, 1985. – 202 б.; Пахратдинов Қ, Бекниязов Қ. Каракалпак тилинің фразеологизмлер сөзлиги. – Нөкис: Qaraqalpaqstan, 2018. – 159 б.; Pirniyazova A., Sarsenbaev Q. M.Nizanov shıǵarmalarınıń frazeologizmler sózligi. – Nókis, 2019. – 30 b.

4. «Әлхәббиз!» - деп таңланды Бердақ оның жылт-жылт етип, бир орында турмай жалтақлап турған қой көзлерине тигилип (А.Садықов) – салбий эмоцияни билдириб келган.

Қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг тўлиқ луғатини тузиш учун назарий ва лексикографик билимлар асосида ишлаб, тизимга солиш зарур. Бу келажакда бажарилиши керак бўлган вазифалардан биридир. Биринчи навбатда фразеологизмларни бошқа турғун сўз бирикмаларидан ажратиб, бадий, фольклор асарларидан мисоллар тўплаш талаб этилади.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Қорақалпоқ тилидаги оғзаки ва ёзма фразеологизмлар**» деб номланган. Тилшуносликнинг фразеология бўлимида фразеологизмларнинг семантик, структурал хусусиятлари билан бир қаторда уларнинг функционал-услубий имкониятлари ҳам ўрганилади. Кейинги йилларда фразеологизмлар услубияти, ёзувчи, шоирларнинг сўз қўллаш услуби бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилди²⁰. Бу йўналишда ўзбек ва қорақалпоқ тилларида монографик йўналишда илмий ишлар нашр этилди²¹.

Ҳозирги давргача билдирилган фикрларни эътиборга олган ҳолда, фразеологизмдаги тизимли муносабатлардан келиб чиқиб, бадий асарлардан, публицистик, илмий ишлардан тўпланган материаллар асосида қорақалпоқ тилидаги фразеологизмларнинг услубий қатламларини уч гуруҳга бўлиб ўрганишни маъқул кўрдик: оғзаки сўзлашув; фольклор; китобий-ёзма тили фразеологизмлари.

Учинчи бобнинг биринчи фаслида «**Оғзаки сўзлашув тили фразеологизмлари**» сўз қилинади. Оғзаки сўзлашувга хос фразеологизмлар маиший турмушда, ўзаро сўзлашув жараёнида ва бадий асарлар матнида

²⁰ Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке. – Ростов на Дону: Изд-во Ростовского ун-та, 1964. – С. 135-136; Бектурганов Е. Устойчивые сочетания, слов в романе-эпосе Мухтара Аvezова «Путь Абая»: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Алматы, 1967; Кенесбаев С. К вопросу об экспрессивно-стилистических функциях фразеологизмов. В кн.: Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968. Кунин А.В. Основные понятия фразеологической стилистики// Проблемы лингвистической стилистики: Материалы конференции. – Москва, 1969. – С. 71-75; Қожақметова Х. Фразеологизмдердің көркем әдебиетте қолданылуы. – Алматы, 1972; Юсупов Р.А. Лексико-фразеологические средства русского и татарского языка. – Казань: Татар. Кн. Изд-ство, 1980. – 255 с.; Мамедов З. Лексика и фразеология рассказов Сулеймана Сани Ахундова: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Баку, 1988; Нурмаханов А. Түркі фразеологиясы. – Алматы: Ғылым, 1998. – Б.267; Өхтәмов М.Х. Хәзерге башкорт теле. Лексикология, фразеология, лексикография. – Өфө, 2002. – Б. 205.

²¹ Кучкортаев Э. Абдулла Қаҳхорнинг фразеологик новаторлиги: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 1965; Бердимуратов Е. Әдебий тилдің функциональлық стильериниң раўажланыўы менен қарақалпақ лексикасының раўажланыўы. – Нөкис, 1973; Каххарова Х. Фразеология Абдуллы Кадыри: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1985; Бекбергенов А. Қарақалпақ тилиниң стилистикасы. – Нөкис, 1990; Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Ташкент, 1991; Маматов А. Фразеологик стилистика масалалари. – Тошкент, 1992; Абдиназимов Ш. Бердақтың фразеологиялық жаңашыллығы// Эмиўдәрья. – Нөкис, 1998. - №1-2. – Б. 108-109; Маматов А. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг шаклланиши масалалари: Филол. фан. докт. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000; Абдуллаев Ш. Таржима асарларда фразеологизмлар семантикаси (Т.Қайипбергенов асарлариниң ўзбекча таржимаси асосида): Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006; Yusupova V. Qaraqalpaq tilinin' frazeologiyasi. – Toshkent: Tafakkur qanoti, 2014; Aynazarova G. Qaraqalpaq tilinde ten'les yeki komponentli frazeologizmlerdin' leksika-semantikalı'q ha'm stillik wo'zgeshelikleri. - No'kis: Qaraqalpaqstan, 2015; Йўлдошев Б., Исроилова Б. Иждокорнинг ибора қуллаш маҳорати. – Тошкент: Yangi nashr, 2016.

кенг қўлланилади. Халқнинг урф-одат, анъаналари, айниқса, яхши тилак билдириш, бир-бирига яхшилик тилаш – халқимизга хос инсоний фазилатлардан. Агар инсон ғазабланса, ёмон тилак билдириб, қарғиш маъносидаги фразеологизмларни қўлланади. Ушбу гуруҳга оид фразеологизмлар оғзаки услубга хос.

Ишончга боғлиқ компонентлардан иборат фразеологизмлар семантикаси уч гуруҳга бўлинади:

1) Тилак маъноли фразеологизмлар акс эттириладиган фотиҳа ва тилакларда оила бахт-саодати, униб-ўсиш, фарзандли бўлиш, узоқ умр, сихат-саломатлик, ҳамжихатлик каби концептлар асосий ўринни эгаллайди. Фотиҳада қофиядош тузилган фразеологизмлар нисбатан кўпчиликни ташкил этади: *Туби бир, шақасы мың болсын* – униб-ўссин, фарзандлари кўп бўлсин, деган маънода.

2) Қарғиш маъноли фразеологизмлар. Қарғиш – бировларга ёмонлик тилаб, кўпол, беодоб сўзлар айтиш. Қорақалпоқ тилида *зарғыс алыў* – бировнинг ёмонлик тилаб айтган сўзларига эга бўлиш; *зарғысқа ушыраў* – қарғишнинг натижасига йўлиқиш, ёмон ҳолатларга учраш (Қорақалпоқ тили изоҳли луғати, 44-б). - *Хэ, жүүермек қатқыр-аў*, турсаң болмай ма, моллаға кешиктің ғой! (Ә.Шамуратов, 120-б).

3) Нейтрал маъноли фразеологизмлар: *О, жасаған жан ийем!* - *Қудайға аян*. Мисоллардан кўриниб турганидек, нейтрал маъноли фразеологизмлар эмоционал-экспрессив маъноларига эга бўлмайди. Шундай бўлса ҳам, бундай фразеологизмлар монолог шаклида маиший турмушда халқ вакиллари томонидан оғзаки тилда қўлланилади. Ҳар бир инсон ўз шахсига ҳам тилаклар тилайди, уларда ҳам, асосан, фразеологизмлар қўлланилади: Он төртимде мениң *бахтым ашылғай*,

Дуз-несийбем Байсын елге *шашылғай*... («Алпамыс» дэстаны, 36-б).

Бахтым ашылғай – тилакнинг маъноси иши ривожланиши, ютукқа эришиш. *Дуз-несийбем шашылғай* – Бойсун элига келин бўлиш, ушбу ерда яшаш насиб этсин, деган маънода. Қорақалпоқ тилида истак майлининг - *гай/-гей* шакллари гапда истак, ялиниш, ёлвориш маъноларни ифодалайди²². Келтирилган мисолларда ҳам ушбу иборалар истак маъносини билдириб турибди. Кейинги даврларда ушбу грамматик шакл ўрнида –*сын\-син* шакли бўйруқ майли кўшимчаси қўлланилмоқда. Бунда истак маъноси контекстдан билинади²³. Масалан, *Жортқанда жолың, Қыдыр ата жолдасың болсын; Абыройың ассын, мэртебең тассын* ва ҳ.

Қорақалпоқ тилида диалектал фразеологизмлар оғзаки сўзлашув тилига хос бўлиб, улар баъзан диалектик фарқлари билан қўлланилади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «**Фольклорга хос фразеологизмлар**» деб номланган. Фольклор асарларининг лисоний хусусиятларини ўрганиш туркий тилларда ўтган асрнинг 50-йиллардан бошланган. Ушбу даврларда халқ достонлари, шунингдек, бошқа фольклор жанрлари асарларининг

²² Ҳэзирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. – Нөкис: Билим, 1994. – Б. 224.

²³ Ҳэзирги қарақалпақ әдебий тилиниң грамматикасы. – Нөкис: Билим, 1994.. – Б. 225.

лисоний хусусиятлари бўйича илмий изланишлар амалга оширилди. Фольклор асарлари хотирада аниқ сақланиб қолиши учун улар теран маъноли, бадий юксак даражада бўлиши шарт. Шу сабабли ҳам авлод-аждодлардан мерос бўлиб келаётган бадий санъатга бўлган ушбу талаб қатъий сақланган. Қорақалпоқ тилидаги фольклор фразеологизмларини ўрганиш қўлланилиши бўйича эскирган ёки қўлланилиши чекланган қатламнинг ҳам мавжуд эканлигини кўрамиз. Айти пайтда, қорақалпоқ халқи этнографияси, турмуш тарзи билан боғлиқ баъзи фразеологизмлар ҳалигача қўлланилади. Масалан, *дамең Қултайдың дамесиңдей* фразеологизми «Алпомиш» достонидаги Қултой қулнинг Гулбарчинга ишқи кетиб, унга эришмоқчи бўлган ҳолатини назарда тутди. Ушбу фразеологизм эришиш мумкин бўлмаган орзуга интилишни ифодалайди.

Қорақалпоқ халқ достонларида фразеологизмлар қўлланилишида муайян ўзига хосликлар учрайди. Бир неча халқ достонларида бир хил тарзда қўлланиладиган фразеологизмлар ҳам бор. Шунингдек, достон қаҳрамонлари портрети тасвирида бир хил фразеологизмлар такрорланади. Қорақалпоқ халқ достонлари мавзувий турларида, яъни қаҳрамонлик, севги-муҳаббат, маиший турмуш, тарихий достонлар турларида ҳам фразеологизмлар қўлланилишида баъзи фарқлар мавжуд. Қорақалпоқ фольклорининг бошқа жанрларида ҳам фразеологизмларнинг моҳирона қўлланганлигини кўриш мумкин. Дидактик поэзиянинг «Алла» шаклидаги турида фразеологизмлар асосан тилак маъносига эга. Она ўз боласига нисбатан муҳаббат туйғуларини эзгу тилаклар сифатида ифода этади. ...*Қатарыңнан кем болмай-ай, Ашылгай, балам, бахтың-ай* (Хэйтий, 157-б).

Нақл-мақоллар таркибида ҳам фразеологизмлар кўп учрайди: Сақыйлықтың белгиси, Сорасын барған адамның, Қайтарып қолын қақпаса, Душпаннан *тилин тартпаса* (29-б).

Қорақалпоқ халқ кўшиқларида фразеологизмлар моҳирлик билан қўлланилган: Басқа ярға *кеўил қойып* нетесең (Муҳаббат қосықлары, 83-б).

Тўлғовларда қорақалпоқ халқининг тарихий ҳаёти акс этирилади. Тарихий ва адабий манбаларда акс этирилган Ноғайли даври тўлғовларида, хусусан, Орманбет бий вафот этганда айтилган марсия тўлғовида қўйидагича тавсифланади: - *Хэ ноғайым, ноғайым, Қулақ сал мениң сөзиме, Кетти сениң оңайың, Тэрийпиң айтып толғайын!* (Толғаў, 383-б).

Фольклор асарлари тили бадий гўзал, ихчам, образли, пухта ва содда, нозик ифодаларга бой, аниқ ва очиқ-ойдин фикрлардан иборат.

Учинчи фасл «**Китобий-ёзма тил фразеологизмлари**»га бағишланган. Фразеологизмларни функционал-услубий жиҳатдан баъзи олимлар: 1. Адабий (китобий, оғзаки сўзлашув, халқчил поэтик); 2) Ноадабий (оддий сўзлашув) фразеологизмлари, деб икки гуруҳга бўлиб ўрганадилар²⁴. Ҳар бир гуруҳнинг фразеологик қатламлари бор. Ушбу гуруҳларда қўлланиладиган фразеологизмларнинг асосий маъноси, функционал ва структуравий

²⁴ Федосов И.А. Функционально-стилистическая дифференциация русской фразеологии. – Ростов на Дону: Изд. Ростовского университета, 1977. – С. 59.

белгилари бир хил эмас. Ёзма адабиётлар лексикасига хос, шу соҳада фаол қўлланиладиган фразеологизмлар *ёзма услубга хос фразеологизмлар* қатламини ташкил этади. Уларнинг қўлланилиш доираси умумлисоний элементларга нисбатан анча тор ва ёзма услубнинг муайян бир тармоғига ихтисослашган бирликлар сифатида ажралиб туради. Масалан, *ўатан ийгилиги, айдын жол* каби фразеологизмлар ижтимоий-публицистик услуб соҳасида пайдо бўлган ва шу соҳага ихтисослашган.

Қорақалпоқ адабий тилининг ёзма услуб тармоқларига ихтисослашган фразеологик бирикмаларнинг қуйидагича гуруҳлари мавжуд: 1. *Ижтимоий-сиёсий фразеологизмлар*. Ушбу гуруҳга публицистик услубда, сиёсий адабиётларда тез-тез учрайдиган, қўлланилиш доираси бўйича ушбу соҳада тегишли фразеологизмлар киради: *Ғарезсиз Ўатан, жарқын келешек, экономикалық ғарезсизлик* ва ҳ. Фразеологизмлар аммовий ахборот воситаларида экспрессивликни таъминлаш мақсадида қўлланилади. Телевидение, радиодан бериладиган нутқларда тингловчи диққатини жалб қилиш, таъсирчанликни орттириш учун фразеологизмлар қўлланилади. Булар асосан умухалқ фразеологизмлари ва журналистлар томонидан яратилган фразеологизмлардир.

Ижтимоий-сиёсий фразеологизмлар номинатив атамалар бўлиб, уларнинг кўпчилиги экспрессивликка эга эмас ва лексик-грамматик тузилиши бўйича икки, уч, тўрт компонентдан иборат: *мәмлекетлик искер; жаңа аўлад; Абат турмыс жылы; халық абаданлығы дәрежеси; халық аралық кескин мүнәсибетлер* каби. Баъзи мақолалар мазмунига мос равишда образли фразеологизмлар ҳам қўлланилади: *киндиктен қан тамган жер, ўмити пушқа шығыў, жүрек етиў* ва ҳ.

2. *Илмий фразеологик лексика*. Ҳар бир фан соҳасига хос фразеологизмлар илмий-фразеологик лексикани ташкил этади. Қорақалпоғистонда фаннинг ривожланишига боғлиқ ҳолда кўпгина илмий адабиётлар пайдо бўлди. Бу ўз навбатида қорақалпоқ тили лексикасида илмий услубга хос фразеологизмларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлди: *инновацион гоя, иқтисодий самарадорлик, ядро физикаси* ва ҳ.

Тўртинчи боб **«Фразеологизмларнинг контекстаги услубий вазифаси ва қўлланилиш усуллари»** деб номланган. Тилшунос олимлар фикрларича, фразеологик услубият соҳаси фразеологизмларнинг услубий қатламларини, уларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятларини, фразеологизмларнинг матндаги узуал ва окказионал вазифаларини, фразеологизмлардан сўзлашув жараёнида ижобий фойдаланиш усулларини, фразеологиянинг адабий тил меъёрлари ва нутқ маданияти билан боғлиқ муаммоларини ўрганиши зарур²⁵. Туркий тилларда фразеологизмлар услубияти маълум даражада изга тушиб шаклланиб ва ривожланиб келмоқда. Қорақалпоқ тилида фразеологизмларнинг ёзувчи ва шоирлар асарларида

²⁵ Кенесбаев С. К вопросу об экспрессивно-стилистических функциях фразеологизмов. В кн.: Развитие стилистических систем литературных языков народов СССР. – Ашхабад, 1968. – С. 4.

бадий тасвир воситаси сифатида фойдаланиш масаласи қорақалпоқ тилшунослигида баъзи тадқиқотларда ўрганилган.

Фразеологизмларнинг бадий матнда қўлланилиши адабий жанрга ҳам боғлиқ. Поэзия ва насрда фразеологизмларнинг қўлланилиши бир-биридан фарқ қилади. Қорақалпоқ тилида фразеологизмларнинг насрий асарлардаги вазифаси, қўлланилиш усуллари, услубий таркиби каби масалалар ҳалигача тадқиқот объекти бўлмаган. Тилдаги фразеологизмлар маънолари контекст орқали аниқланади. Бадий адабиётда оғзаки услубга хос фразеологизмлар ҳам, ёзма функционал услубларга хос фразеологизмлар ҳам, шунингдек, умуми адабий тил услубларига тегишли унсурлар тасвир қилинаётган объектга мос ҳолда поэтик бирлик сифатида фойдаланилади. Фразеологизмларнинг муаллиф ижодий ўзгартириши асосида қўлланиладиган бир неча турлари бор. Бунга хос масалалар кейинги йилларда тилшуносликда шаклланган фразеологик услубият соҳасининг ўрганиш объектига хос.

Бу бобда қорақалпоқ адабиётининг таниқли намоёндалари К.Султанов, Т.Қайипбергенов, Ш.Сейитов, Г.Есемуратова, И.Юсупов, Х.Даулетназаров, М.Низановларнинг насрий асарларида фразеологизмларнинг қўлланилиши ўрганилиб, бу адибларнинг ҳар бирига хос сўз ва фразеологизмларни қўллаш хусусиятлари очиқ берилди.

Тўртинчи бобнинг биринчи фасли «**Фразеологизмларнинг ўзгаришсиз қўлланилиши**» деб номланади. И.А. Бодуэн де Куртенэнинг фикрича, «тил шахс тафаккурида, фақат унинг қалбида, руҳиятида яшайди. Мавжуд жамиятдаги инсоннинг ўзида тилнинг устуворлигини тасдиқлайди»²⁶.

Ҳар бир ёзувчи шахс сифатида дунёни ҳар хил тушунади. Антропоцентрик муносабат орқали ҳар бир ёзувчининг матн тузиш, тил бирликларидан, хусусан, фразеологизмлар фойдаланиши ўрганилди. Фразеологизмлар – тилдаги тайёр бирликлар. Ҳар бир шахс-адиб ўз дунё қарашига, тушунчасига, идрок этишига, ўзлаштиришига боғлиқ ҳолда улардан фойдаланади, коммуникатив алоқага қўшади.

Таҳлил этилган асарларда фразеологизмларни ёзувчилар ҳар хил мақсадда, тилдаги тайёр восита ҳолида фойдаланади. Масалан, И.Юсупов «Сейдан ғарриның геўиши» ҳикоясида қорақалпоқ тили фразеологизмларини ўз ҳолича, тилда қандай бўлса, шу шаклда қўллайди, лекин кўшимча маъносига эга бўлади. Оддий қишлоқ одамларининг суҳбатлашиб ўтирган ҳолатини тасвирлашда образли фразеологизмлардан фойдаланади: Ал, арадағы үш жесир хаял сейисханадан сабан әкелип төсеп алды хәм «сөзге бузаў емизип» отырып уршық ийириўге киристи. ...Бизге де берер ме еди! - деп дийқанлар *таңлай қағысты* (И.Юсупов «Ғарри туттағы гүз», 12-б).

К.Султанов ўз асарида умумхалқ фразеологизмларидан уларни керакли ўринда ўзининг тасвирлаш мақсадига уйғунлаштирган ҳолда ижодий фойдаланган. Фразеологизмларда экспрессивлик маънонинг акс этиши бир хил даражада эмас. Уларнинг баъзиларида бундай маъно бўрттириб

²⁶ Бодуэн де Куртенэ И.А. Язык и языки // Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. – М.: АН СССР, 1963. – Т. 2. – Б. 391.

кўрсатилса, баъзиларида пастроқ даражада: Кемеге *көзи түскен сайын жүреги туўлап*, қатты дүрсилдеди. Бул орыннан энди қайта түргелип, қабақты *көзден таса қылыўға* кеш болып қалып еди (16-б).

Г.Есемуратова асарларини тушуниш осон, уларда халқ тили билан оҳангдош миллий колорит устун. Унинг қахрамонлари нутқидаги фразеологизмлар жамиятда тутган ўринларига, фикр-хаёлига, дунёқарашига мос берилиб, қахрамонлар образини очиб берувчи тил воситаси сифатида намоён бўлади: ...Шобытшының мына сөзинен Нағметтиң тасып турған *кеўли қарыс қайтып*, топ алалмайтуғын болдым-аў деп қорққанынан еки көзи алақлап, *үскини қуйылып* аўзын ашып қатып қалыпты (10 б).

Т.Қайипбергенов халқ сўз бойлигини чуқур ўзлаштирган, уларни ўз асарларида моҳирона фойдаланади, сўзларни танлаб, бошқаларда бўлмаган бир усулда қўлланади. Ёзувчи тилнинг энг яхши сўзларини халқ тилидан олиб, тил бирликларини ўзига хос бадийлик билан моҳирона қўллайди. Масалан, «Совуқ томчи» повестида: «Бул мениң көп *қыялларымды қанатландырды, қуўантты*» (423-б) деган гапда ёзувчи *қыялы қанатланыў* – фразеологизмини ва унинг синонимини биргаликда қўллайди.

Ш.Сейтов халқ тили фразеологизмлари таркибидан ниҳоятда зарурларини танлаб олиб, имконияти борича ўзгартиради, тасвирланаётган воқеа-ҳодисага мувофиқ фразеологизмнинг услубий бўёқдорлигини кучайтиради: Еслесем елеге шекем *жүрегим айныйды* (Қашқын). Он сегиз шаңарақты қуртаман, ишинде сен хәм барсаң, - деп *жүрегимди жарып кетти* (Халқабат).

Х.Даулетназаровнинг «Әлўидағ, муҳаббат, әлўидағ...» («Алвидо муҳаббат, алвидо ...») насрий поэмасида тилда сўзлаш ҳаракатини билдирадиган феъл-сўз шаклидаги фразеологизм ёрдамида минг хил рангда жилвалантирганини кўрамыз: Этирапымда ҳаллас урып гезип жүрген сол үн-түнсиз елеслерге *тил қатарман*. Оларға *зибан енер...* (27-б). Китабын ашып мусылманшылық ҳаққында *қулағымызга қуяр* (29-б). Кулласы, қанша ойланып-толғансам да, жүрегим, ҳешкимге *тис жарып*, ҳешнәрсе демеўди уқтырғандай болды (38-б). Мектеп жасында ашықлық ҳаққында *тилге басыў* оқыўшылар ушын жарамсыз қылық, әдепсизлик саналмай ма? Соннан кейин *аўзымыз қақпақланып* үндейик десек те *үндей алмай* көзлеримизди бақырайысып жүргени (47-б). Усы рет қалалы жигитлерге ызаланып отырып көкирегимде не болса бәрин *ақтарып салдым* (47-б).

Ушбу бобнинг иккинчи фасли **«Фразеологизмларда компонентларининг ўзгартириб қўлланилиши»** деб номланиб, унда фразеологизмлар компоненти ўзгартирилиб, янги маънода қўлланилиши сўз қилинади. Маълумки, ҳақиқий ёзувчи халқ тили бойликларидан фойдаланиб, сўз маржонларини ўз ишида поэтик нияти асосида қўллаб, ўзига хос услуб яратади. Бадий асар тилидаги фразеологизмларни танлаб таҳлил этиш ёзувчи индивидуал услубини ўрганишга йўл очади. Фразеологизмларнинг услубий бўёқдорлиги алоҳида сўзга нисбатан анча юксакроқ. Шунга кўра

фразеологизмлар тасвирланаётган жараёнга, баён услубига ўзгача бир мазмун, моҳият бахш этади.

Ёзувчи К.Султанов асарлари қорақалпоқ тили бойлигини, гўзаллигини фразеологизмлар воситасида ёрқин кўрсата олади. Ижодкор халқ тили фразеологизмларининг бир компонентини ўзгартириб ҳам фойдаланган: Өлимди еситип, Қадирдин *төбесине муз қуйылгандай болды* (К.Султанов). Қорақалпоқ тилида *төбесине муздай суў қуйгандай болыў* – фразеологизми бор, маъноси қаттиқ кўрқиш, чўчиб кетиш²⁷. Ёзувчи ҳолатни ҳаддан ортиқ кучайтириб кўрсатиш учун *муздай суў* бирикмаси ўрнида фақат *муз* сўзини қўллайди. Шу орқали кишида сесканиш, қўккисидан чўчиб кетиш мазмунини ўйғотади, фразеологизм маъносига маъно қўшади.

Ёзувчи Г.Есемуратова ҳам фразеологизмлар компонентини ўзгартириб қўллаш эвазига услубий хусусият яратади ва матн самарадорлигини оширади: Ҳамме оянып кетип, *аңгиме тағы бел ўзди* болды (Г.Есемуратова).

Қорақалпоқ тилида *кесе белден ўзилиў* фразеологизми тўсатдан, бирдан суҳбатнинг ёки гапнинг узилишини англатади. Ёзувчи буни озгина ўзгариш билан *аңгиме бел ўзди болды* деб қўллаб, суҳбатнинг ярмисидан узилгани ёки тўхтаб қолганини ортиқча бир услубий самара билан англатади.

Мисоллар кўрсатдики, фразеологизмлар компонентларини ўзгартириб қўллаш икки хил тарзда амалга оширилади.

1. Сўз бирикмаси шаклидаги фразеологизмлар биринчи компоненти ўзгартириб қўлланилади: *Денеси түршигиў – жаны түршигиў; Түйеси таўга шығыў – жылқысы таўга шығыў*;

2. Сўз бирикмаси шаклидаги фразеологизмнинг иккинчи компоненти ўзгартириб қўлланилади: *Маңлайына шыр питпеў – маңлайына шық питпеў; Мазасы болмаў – мазасы қашыў*;

«Тилдаги фразеологизмлар ўзгартиришга бўлмайдиган турғун сўз бирикмалари бўлса ҳам, баъзи ҳолларда ўзгартирилиб, уларнинг айрим вариантларини қўллаш ҳолатлари ҳам учрайди», – деб кўрсатади В.А.Архангельский²⁸. Ёзувчилар тилдаги тайёр фразеологизмларнинг таркибига ўзгартириш киритиш, компонентлари ўрнида унга маъноси яқин, синонимларини қўллаш орқали янги фразеологизмларни юзага келтиради. Шу орқали тилнинг бойиб, ривожланиб боришига ўз таъсирини теккизади.

Тўртинчи бобнинг учинчи фасли «**Фразеологизмлар компонентлари орасига бошқа сўзларни қўшиб қўлланиш**» деб аталади. Бадиий асар тилининг таъсирчанлиги, образлилиги, бойлиги сўз санъаткорининг индивидуал услубига, асарда қўлланилган бадиий воситаларнинг ранг-баранглигига бевосита боғлиқ. «Агар фразеологизмлар лексик таркибининг қисқартирилиши контекстдаги шароитга боғлиқ бўлиб, эмоционал-экспрессив ёки маъно ўзгаришларига олиб келмаса, фразеологизм таркибига

²⁷ Ешбаев Ж. Қарақалпоқ тилининг қысқаша фразеологиялық сөзлиги. – Нөкис, 1985. – Б. 84.

²⁸ Архангельский В.Л. Устойчивые фразы в современном русском языке (основы теории устойчивых фраз и проблемы общей фразеологии). – Ростов-на-Дону: Изд-во Ростовского ун-та, 1964. – С. 213.

сўз қўшиш унинг эмоционал-экспрессив ва маъно жиҳатидан ўзгаришларга учрашига сабабчи бўлади», деб таъкидлайди олимлар²⁹.

Фразеологизмларга сўз қўшиш орқали ёзувчилар матнга эмоционал-экспрессив маъно юклайди, контекстга бутунлай янги мазмун, маъно ўзгариши бахш этади. Қорақалпоқ тилида *баўыры езилиў* фразеологизми бор. Х.Даулетназаров уни *жүрек-баўыры езилиў* деб қўллаган: Оларға кекселик жеңген, басына мүшкилли ис түскенлердин арзы-ҳалын сорайтуғын, көңил-күйин сезинетуғын, *жүрек-баўыры езилетуғын* ким?

Ўзининг образлиги билан барҳаёт бўлган фразеологизмлар ҳар бир миллат тилининг алоҳида дурдонасидир. Уларни бадий асарларда кенг қўллашнинг ўзи адабиётнинг миллийлигини таъминлайди.

Тўртинчи бобнинг кейинги фасли «**Фразеологизмларнинг бир компонентини тушириб қўлланиш (эллипсис)**» деб аталган. Баъзан сўз санъаткорлари фразеологизмларнинг бир компонентини тушириб – эллипсисни юзага келтириб қўллайдилар. Ушбу усул билан қўлланилган фразеологизмлар фақат тузилишидагина эмас, балки семантик маъносида ҳам ўзгаришга учрайди. Бундай эллипсислик ҳодиса икки компонентли симметрик фразеологизмларда кўпроқ учрайди. Бадий матнда ўқувчига маълум фразеологизмлар таркиби қисқартириб қўлланилади: ... күн мәлим, айтқан еки жақтың *шалабын шайқап, толысын төгип* зыбырлаўығын шығарды. Шапшаң он жылға қарапты *шалабымның шайқалғанына!* ... Толыбайдың *толысын шайқап-шайқап* есабынан ғабырысыңқырап жиберди (Ш.Сейтов). ... Ҳәр қайсысы ҳәр жаққа тартып *толыны шайқады* (Ш.Сейтов). Биринчи мисолдаги *шалабын шайқап, толысын төгип* тенг икки компонентли фразеологизми кейинги мисолларда *шалабымның шайқалғанына, толысын шайқап-шайқап, толыны шайқады* шаклида бир компонентини қисқартириб ишлатган.

Фразеологизмлар компонент таркибини қисқартириш – тилдаги эллипсиснинг бир кўриниши бўлиб, бу ҳолат фразеологизмларни ихчам, содда шаклга келтиради. Баъзи олимлар бундай ҳодисани «фразеологизмлар синиқлари» деб атайди³⁰. Бундай «синиқларни» қўллаш асосан поэзия тилига хос, яъни поэтик тафаккур тарзи шуни талаб қилади, ўқувчи эса уни ижодий тўлдириб қабул қилади.

Тўртинчи бобнинг олтинчи фасли «**Адиблар томонидан яратилган фразеологизмларнинг қўлланилиши**»га бағишланган. Ёзувчилар услубига хос яна бир хусусият – тилда илгаридан мавжуд бўлган фразеологизмлар андазасида янги сўз бирикмаларини ҳосил қилишдир. Бундай ижод намуналари бадий асарларда, публицистикада кўп учрайди. Мисоли: Сол ғайыбымның ышқында Мәжнүн болып, *бармаған жерим, баспаған таўым, кирмеген есигим, үңилмеген тесигим* калмады (Ш.Сейтов).

²⁹ Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. – Москва: Наука, 1982. – С. 217.

³⁰ Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в современной русской поэзии. – Москва: Наука, 1982. – С. 258.

Ш.Сейтов тилдаги икки компонентли симметрик фразеологизмлар тузилишини кенгайтириб уч, тўрт компонентли фразеологизмларни ижод қилади: *Бармаган жерим, баспаган таўым жоқ* – ҳамма ерга бориб, излаганини топа олмаслик. Муаллиф қорақалпоқ тилидаги икки компонентли фразеологизмга яна икки компонент қўшиб, фразеологизм таркибини кўпайтирган, тайёр фразеологизм андазаси билан унинг таркибини кўпайтириб, қофияли, образли, муболағали усул билан янгича бир фразеологизм яратган. К.Султанов ҳам халқ тилидаги фразеологизмлар андазасида янги фразеологизмлар яратиб, ўз асарларида қўлланган: *Хэмме елаттың қулағын салып, көзин тигип* отырған хаты (К.Султанов). Г.Есемуратова ўз асарларида ўзига хос бўлган усуллар натижасида янги фразеологизмлар ижод қилади ва қўлланади: «Қылмыслының» баласын мектепке алса не жақсы. Алмайды ғой дегенди *басына малақайдай кийди де, қызының изинен жылысты ... Ёзувчи ўхшатиш* усули орқали *хат пенен қәлем ёки мийине қуйып алды* деган маъно бериш учун *басына малақайдай кийди* иборасини қўллаган.

Т.Қайипбергенов фразеологизмларни ҳар хил усуллар билан ижод қилган ҳолда ўз асарларида қўллаган: Есиме түссе *тордағы палапандай пытырлап, шелектеги суўға түскен шабақтай* басларымды ернекке дүгемен (421-б). Ушбу андазада И.Юсупов янгича тенг икки компонентли фразеологизмни ўйлаб топиб қўллаган: ... *Жасларды тартың, олардың билегинде күши, басында мийи толық,* - деди хэм жүёерисине қарай бурылып кете берди (25-б). Мүмкин, өмиринше *турмыс ҳәзлигин көрмеген, журт кеўил бөлмеген* ғарры дийқанның бул өзин биринши рет шын бахытлы адам деп сезгени болар! (И.Юсупов). Х.Даулетназаровнинг насрий поэмасида сўз санъаткори яратган фразеологизмлар кўп учрайди: *Себеби, уялас қуслардай, бирге ушып, бирге қонып, егиз қозылардай ҳеш айырылыспасыз* (45-б). М.Низанов халқ тилидаги тенг икки компонентли фразеологизмларга яна бир компонент қўшиб фойдаланади. Муаллиф тенг икки компонентли фразеологизмлар тузилишига ўзгариш киритса ҳам, ундаги симметрияни сақлайди: Бул *Өтемуратовтың сумлыққа қараса түйени түги менен, гүбини түби менен, арбаны жүги менен жутатугын* адам екен.

Адиблар тилдаги фразеологизмлардан фойдаланишда ҳар хил усулларни қўллайди. Асарга бадиийлик, образлилик, эмоционал-экспрессивлик маъно бериш, унинг ўқувчига таъсирини орттириш мақсадида фразеологизмлардан санъаткорона фойдаланиш амалиёти мавжуд.

ХУЛОСА

Ҳозирги қорақалпоқ тилидаги фразеологик тизимни ва унинг услубий имкониятларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Фразеологизмларни лингвистик нуқтаи назардан янгича йўналишда ўрганиш давомида унинг тизим сифатидаги хусусиятларини очиб бериш,

семантик таҳлил қилиш бўйича бир қанча илмий натижаларга эришилди. Фразеологизмларни алоҳида маданий ахборот ташувчи мазмунга эга бўлган лисоний белгилар тизими сифатида белгиланиши етакчи йўналиш сифатида танланди.

2. Фразеологизмлар бўйича жаҳон ва туркий тилшунослигида ҳар хил нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, мазкур муаммо тилшунослик фан сифатида шакллана бошлаган даврлардан бошлаб ҳозирги давргача алоҳида илмий тадқиқот объектига лойиқ бўлган масаладир. Ўрганилган илмий-назарий манбаларнинг гувоҳлик беришича, фразеологлар, луғатшунослар фразеологизмнинг моҳияти ва тавсифига, ҳажми ва чегарасига, атамасига ҳар хил муносабатда бўлганлиги, турли номлар билан атаганлигини эътиборга олиб, тадқиқотда уни умумлаштирган шаклда *фразеология* термини билан номлаш тавсия этилди.

3. Тилда турғун сўз бирикмалари деган умумий ном билан аталаётган тил бирликларига: *идиомалар, фразеологизмлар, нақл-мақоллар, қўшма терминлар ва атамалар, қанотли сўзлар, штамплар ва клишелар* киради. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос семантик, тузилиш, услубий хусусиятлари мавжуд, қўлланилиш соҳалари ҳар хил эканлиги аниқланди.

4. Турғун сўз бирикмалари ичида фразеологизмлар образли, эмоционал-экспрессив, таъсирчан, миллий характерга эга, генетик ва лексик таркиби бўйича фарқланадиган лисоний бирлик бўлиб, у ҳар бир халқнинг этнографик хусусиятларини қамраб олувчи, антропоцентрик семантик хусусиятларини билдирувчи тил бирликларидир. Фразеологизмлар – бу тайёр ҳолдаги эркин бўлмаган сўз бирикмалари, семантикасига кўра идиомалашган бутунлик сифатида тасдиғини топди.

5. Фразеологизмлар коммуникатив, номинатив, когнитив ва кумулятив вазифаларни бажаради. Улар келиб чиқиши ва лексик қатлами, миллийлик, синонимия, вариантлик, экспрессив-эмоционаллик хусусиятларига эга, ўзига хос тузилиши билан фарқланади.

6. Фразеологизмлар семантикасида муайян лингвомаданий, этномаданий дунёқараш жараёнлари ахборотлари ўз аксини топган. Фразеологизмлар объектив борлиқнинг, номоддий тушунчалар, мавҳум тил воситаларининг онгдаги инъикоси, идроки, тасаввурлари сифатида, яъни концепт ҳосил қилувчи тил унсурлари мақомида ўрганилди.

7. Фразеологизмларнинг семантик, концептуал мазмунида маълум соҳаларга тегишли маълумотлар мажмуи бўлиши баён қилинди: фольклор, оғзаки сўзлашув, китобий-ёзма фразеологизмлар миллий фразеологик захирада алоҳида ўрин эгаллайдиган мураккаб кодлар тизими ҳисобланади.

8. Фразеологик тизим тилнинг лексик ва грамматик тизимлари билан яқин алоқада бўлади. Фразеологик тизимнинг асоси – тилнинг фразеологик захирасидир. Фразеологизмлар фразеологик захиранинг маркази. Фразеологик тизим – ўзаро алоқада бўлган фразеологизмлар мажмуи – тил бирликлари ва унинг унсурлари, уларнинг шаклланиши, ривожланиши қонуниятларидир. Фразеологик тизим маданий ахборотларни сақловчи ва

олиб юривчи энг турғун катлам сифатида ўзида инсон дунёқарашининг идиоэтниқ усул, шаклларини жамлайди. У ўз навбатида қорақалпоқ халқининг дунёвий когнитив манзарасининг вербализаторларини шакллантирган.

9. Фразеологизмларни фақат тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш етарли эмас эканлиги тасдиқ топди. Чунки миллатнинг, халқнинг ҳаёт тажрибаси, жамиятдаги инсонларнинг бир-бири билан алоқаси, ишчанлиги, маънавий-моддий маданияти ва яна бошқалари четда қолган бўларди. Фразеологизмлар тарихий, маданий ҳодисаларни ҳам ўзида жамлайди. Фразеологизмларни шундай реал борлиқ билан узвийликда ўрганиш ҳозирги тилшуносликда устувор йўналишга айланмоқда. Фразеологизмларни тилдан ташқари – экстралингвистик омиллар билан боғлаб ўрганиш самарали натижаларга эришишга асос бўла олди.

10. Тадқиқотда олинган натижалар қорақалпоқ тилининг мукамал фразеологик луғатини тузишга кенг имкониятлар яратади.

11. Қорақалпоқ тили фразеологизмларининг қўлланилиш хусусиятлари бадиий асарлар матнлари орқали аниқланди. Ҳар бир адиб фразеологизмлардан фойдаланишда ўзига хос маҳорат ва услубга эга. XX ва XXI асрда ижод қилган ёзувчилар К.Султанов, Т.Қайипбергенов, Ш.Сейитов, Г.Есемуратова, И.Юсупов, Х.Даулетназаров, М.Низановлар асарларида фразеологизмлар асосий бадиий тасвир воситаси сифатида фойдаланилган. Улар айниқса фольклор фразеологизмларидан фойдаланишнинг моҳир усталарига айланган. Халқ тилидаги фразеологизмлар асарлар тилини бойитган, уларнинг поэтик тилига, музмунига, шаклига катта таъсир этган.

12. Ёзувчилар халқ тили фразеологизмлари андазасида фразеологизмлар яратган. Улар асарларга бадиийлик бағишлаб, китобхонлар томонидан халқ тилидаги фразеологизмлар каби ижобий қабул қилинган, кенг қўлланилиш даражасига эга бўлган.

13. Тадқиқот ишида фразеологизмларга лингвокогнитив ва лингвомаданий нуқтаи назардан баҳо беришни амалиётда қўллаш тадқиқот объектини чуқур ўрганишга ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини тўла бажаришга имкон берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.20.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ БЕРДАХА**

**НУКУССКИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ ИМЕНИ
АЖИНИЯЗА**

ПИРНИЯЗОВА АЛИМА КУДИЯРОВНА

**ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКАЯ СИСТЕМА КАРАКАЛПАКСКОГО
ЯЗЫКА И ЕЁ СТИЛИСТИЧЕСКИЕ ВОЗМОЖНОСТИ**

10.00.03 – Каракалпакский язык

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК
(DOCTOR OF SCIENCE)**

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора филологических наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.1.DSc/Fil154.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант:

Абдиназимов Шамшетдин Нажимович
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дусимов Зариббой
доктор филологических наук, профессор

Ескеева Магрипа Кайнарбайкызы
доктор филологических наук

Содиков Косимжон Позилович
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019. Fil. 20.01 при Каракалпакском государственном университете в 9⁰⁰ часов «17» ОБДУСМ 2020 года. Адрес: 230112, г. Нукус, улица Ч. Абдирова, д. 1. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_ihfo@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована под номером 7). Адрес: 230112, г. Нукус, улица Ч. Абдирова, д. 1. Тел.: (99861) 223-59-25; факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_ihfo@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «3» ОБДУСМ 2020 года.
(Протокол реестра за № 23 от «3» ОБДУСМ 2020 года.



К.Алламбергенов
И.о. Председателя Научного совета по
присуждению ученой степени доктора
наук, докт. филол. н., профессор

Г.Е.Карлыбаева
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени доктора
наук, докт. филол. н. (DSc)

М.С.Кудайбергенов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученой степени доктора наук, докт.
филол. н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (Dsc))

Актуальность и востребованность диссертационной темы. В мировой лингвистике осуществлены широкомасштабные исследования по системному изучению спорных вопросов фразеологии. В частности, имеются весомые исследования в плане выявления структурно-семантических особенностей фразеологизмов с учетом их семантики, объема и границ. Следует отметить, что изучение фразеологизмов только с лингвистической точки зрения не способствует полному раскрытию их природы, потому что при таком рассмотрении вне поля зрения остаются влияние жизненного опыта нации, народа, взаимоотношений социальных личностей, духовной, материальной культуры и других экстралингвистических факторов. Изучение же языковых единиц в тесной связи с экстралингвистическими факторами становится отдельным направлением современной лингвистики, и исследование фразеологизмов в данном аспекте способствует появлению новых научно-теоретических выводов.

В мировом языкознании на современном этапе на повестку дня ставятся проблемы изучения фразеологической системы в связи с речевой, номинативной, когнитивной функциями фразеологических единиц, со способами их применения в контексте. При этом, наряду с изучением внутреннего строения, усиливается внимание на коммуникативную сторону речевой деятельности, ибо согласно общепринятому положению, любая наука может соответствовать современному прогрессу, интересам людей лишь в том случае, если она изучает свой объект в связи с человеческим фактором, потребностями людей. Как известно, фразеологизмы, непосредственно связанные со стилистикой, в процессе употребления меняют свою стилевую окраску исходя из внутренней семантики. В творчестве писателей они развиваются, преобразуются семантически, что связано со словотворчеством, культурой речи и мастерством. В речи фразеологизмы вступают в качестве образного, экспрессивно-эмоционального средства выражения, и поэтому исследование их стилистических особенностей имеет большое значение для решения общих вопросов не только семантики и стилистики, но и фразеологии. Подобное исследование играет большую роль и для развития зарождающейся отрасли лингвистики – фразеологической стилистики.

С обретением независимости в нашей стране большое внимание обращается развитию национальной духовности и языка. Созданы широкие возможности для сохранения материальной и духовной культуры, фольклора и традиций народа, всестороннего и глубокого их изучения и пропаганды. В частности, одним из актуальных вопросов является глубокое и всестороннее изучение родного языка, являющегося «символом национального самосознания и государственной независимости, огромной духовной ценностью... прочным фундаментом национальной духовности»¹.

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли // Халқ сўзи. – Тошкент,

Фразеологическая система тюркских языков, в том числе и каракалпакского языка, является одним из самых богатых и древних лексических пластов. Исследование семантических, функционально-стилистических особенностей фразеологизмов в каракалпакском языке в лингвокультурологическом и антропоцентристском аспектах – веление времени. Фразеологическая система взаимосвязана и взаимодействует со всеми элементами ярусом языка, поэтому такие исследования в большей степени способствуют раскрытию тонких нюансов лексем, словосочетаний, этимологии и орфографии, художественного стиля, языка писателя и других лингвистических явлений. Большое научно-теоретическое значение имеет изучение семантической целостности, стилистических особенностей, лексического состава, источников происхождения, национальных особенностей фразеологизмов с лингвокультурологической, когнитивной точек зрения.

Данная диссертационная работа в известной степени служит реализации задач, намеченных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 07 февраля 2017 года, Постановлении ПП-3160 «О повышении эффективности духовно-просветительских работ и поднятии на новый уровень в развитии сферы» от 28 июля 2017 года, Посланиях Президента Республики Узбекистан в Олий Мажлис Республики Узбекистан, Распоряжении Ф-4789 «О создании комиссии по развитию издания книжной продукции и системы распространения, повышению и пропаганде книгочтения и культуры книголюбства» от 12 января 2018 года, Указе УП-4958 «О дальнейшем совершенствовании системы послевузовского образования» от 18 февраля 2017 года, Постановлении ПП-2995 «О мерах дальнейшего совершенствования системы сохранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, Указе УП-584 «Об утверждении концепции развития системы образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 4 октября 2019 года, Постановлении ПП-4479 «О государственном языке Республики Узбекистан» от 4 октября 2019 года и Указе УП- 5850 «О мерах коренного повышения статуса и престижа узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, Постановлении Жокаргы Кенеса Республики Каракалпакстан №584, связанном с организационными мерами по подготовке и проведению 30-летия принятия Закона Республики Каракалпакстан «О государственном языке» от 16 октября 2019 года и других соответствующих нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Диссертационное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий Республики I. «Пути формирования и внедрения системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом, культурном,

духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации².

В мировом языкознании научные исследования, направленные на изучение семантических, лингвокультурологических, антропоцентристских особенностей фразеологизмов, осуществляются в Cambridge University, University of Oxford (Англия); Edinburgh University, London Metropolitan University (Великобритания), Harvard University, New York University, Yale University, Stanford University, Chicago University (США), Toronto University (Канада), Hankuk University of Foreign Studies (Корея), Университет Марибора (Словения), University of Humboldt (Германия); The French National Research Agency (Франция); Московском государственном университете имени М.В.Ломоносова (Россия), Санкт-Петербургском университете (Россия), Казанском федеральном университете (Татарстан, Россия), Казахском национальном университете (Казахстан), Национальном университете Узбекистана, Ташкентском государственном университете узбекского языка и литературы имени Алишера Навоий, Научно-исследовательском институте языка, литературы и фольклора АН УзР, Ташкентском государственном университете востоковедения, Самаркандском государственном университете (Узбекистан).

В результате исследований, проведенных в мировой лингвистике, получены научные результаты, в том числе: обоснованы выводы о концепте «человек» в антропоцентристском аспекте (New York University); разработана теория по антропоцентристским вопросам фразеологизмов и использованию при коммуникации (Yale University, Toronto University, Канада), получены научные результаты на основе исследования фразеологизмов в стилистическом и лингвокультурологическом направлениях (Chicago University, США; University of Oxford, Англия), найдено решение проблемы фразеологической нормы и речи в обществе (Hankuk University of Foreign Studies, Корея; Университет Марибора, Словения), разработана концепция использования фразеологизмов в стилях как основного фактора речи (Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Россия; Санкт-Петербургский университет, Россия), разработана теория компонентного анализа, изучения этимологии фразеологизмов (Казанский федеральный университет, Россия; Казахский национальный университет, Казахстан), разработаны концепция и методика когнитивно-прагматического анализа фразеологизмов, изучения их особенностей в плане их моделирования и фразеографии (Национальный университет Узбекистана; Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навоий; Научно-

